Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-ОХИРИ, 4-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҚАВС, 23-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 11 декабрь, чоршанба, 239-сон НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

29 ДЕКАБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ҲАММАНИНГ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАШ КЕРАК

Беларусь Республикаси Россия Федерацияси ва Украина мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу воқеа бошқа республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда кенг меҳнаткашлар орасида ҳар хил фикрларни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда шу масала хусусида ўз фикрини айтди.

— Бу шартнома инқилобий тусдадир, — деб ҳисоблайди Президент. — 1922 йилда ССР Иттифоқини тузган уч республика раҳбарларининг тўпланганлиги мақбул ишдир. Лекин нима учун уч славян республикаси бирлашгани бўрттириб таъкидланаётганлигини тушуниб бўлмайди. Агар сўнгги вақтгача мавжуд бўлган иттифоқнинг уч муассиси тўпланди, дейилганда эди, бу ҳам миллий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан тўғри бўларди. Башарти, Минскда имзоланган ҳужжатда иттифоқ янгитдан тузилмоқда, унга қўшилишни хоҳлаганлар, тезроқ ўйланглар, чунки республикаларнинг мутлақо янги ҳамжамиятини барпо этаяпмиз, деб аниқ ва равшан айтишганида эди, бу славян республикаларнинг иттифоқи деб таъкидлашмаганида эди, жуда соз бўларди.

Бирлашган армия, қўшма иқтисодий макон, уч республиканинг биргаликдаги валютаси — булар нимани билдиради? Мен бу масалаларни шарҳлашни хоҳламайман, чунки вақти соати етгани йўқ. Аввало шу республикаларнинг раҳбарларидан тегишли ахборотни олиш лозим. Шундан кейингина хулоса чиқариш керак. Бу масалалар қўшимча равишда идроклашни талаб қилади. Бу соҳада етти марта ўлчамай туриб узилкесил кесиб ташлаш мумкин эмас. Шу уч республикада яшаётганларни эмас, балки ҳамманинг тақдирини ўйлаш керак.

МУСТАҚИЛЛИК БОР БЎЛСИН!

Бугун ким билан суҳбатлашманг, бўлажак сайлов ва референдум ҳақида гап очади. Халқимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеага ўз муносабати, фикр-мулоҳазаларини билдиради. Кўча-кўй, иш жойларидаги ўзаро мулоқотларда ҳам шу сўз: Ўзбекистонининг мустақиллиги учун овоз берасизми, кимни президентликка сайлайсиз? Гарчанд бу борадаги саволларга ранг-баранг жавоблар янграса-да, аммо бир нарса аён: сайлов ва референдум тўғрисида кўпчилик ўзининг қатъий фикри, танлаган йўлига эга. Мухбиримизнинг айрим кишилар билан қилган қуйидаги суҳбати ҳам шу мавзуда.

Мирлёс АЗИМОВ,
Тошкентдаги «Алгоритм» электрон ҳисоблаш машиналари бирлашмаси бош директори:

— Заводимиз яқинда Жанубий Кореянинг «Сомсон» фирмаси билан шартнома тузди. Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети орқали йўлга қўйилган бу ҳамкорлик корхонамизнинг иқтисодий мустақиллигини кучайтиришга ёрдам беради. Ҳозир битта цех хорижий давлатнинг рангли телевизор ва видеоплейерларини тайёрлашга мослаштирилаяпти. Конвейерларни ҳозирлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Ишларимиз юришиб кетса, келаси йилнинг июнь ойида янги маҳсулотларимизнинг дастлабки туркуми минглаб хонадонларни безайди. Истиқлол шарофати билан рўёбга чиқаётган бундай орзуларимиз кўп. Энг муҳими — республикамизнинг давлат мустақиллиги туфайли. марказга тобеликдан халос бўлдик. Корхонамиз яқин ойларгача ҳам Иттифоқ тасарруфида эди. Тошкентда бўла туриб Ўзбекистонга наф келтирмасдик. Энди эса фақат республикамизнинг манфаатига хизмат қиламиз.

Референдум куни мен мустақиллик учун овоз бераман. Ўз меҳнатимиз, самарали фаолиятимиз билан Ўзбекистонимизнинг ютуқларини бойитайлик.

Клавдия ЧУМАК,
Тошкент шаҳрининг Ленин районида истиқомат қилувчи нафақахўр:

— 71 ёшдаман. 47 йил Тошкент тўқимачилик комбинатида ишладим. Мен меҳнатни эъзозлагандим, энди эса меҳнатим мени эъзозламоқда. Иқтисодий шароит оғир бўлишига қарамай, кексаларга катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Давлатдан нафақа, ёрдам пули олиб турибмиз. Республика раҳбарияти юргизаётган одил сиёсат туфайли ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимоя қилинмоқда. Гарчанд туб аҳолига мансуб бўлмасам ҳам ўзимнинг бу ерга бегоналигими ҳис этаётганим йўқ. Бошқа қардош халқлар қатори ўзбеклар билан аҳил, иноқ яшадик. Сенменга бормадиқ. Ўзбекистон менга она ватанимдек азиз бўлиб қолди. Унинг иқтисодий ва сиёсий мустақил давлат сифатида шаклланиб бораётганлиги мамнунман. Референдумда Ўзбекистонинг мустақиллиги учун овоз бераман. Истагим: юртимиз тинч бўлсин, осойишта ҳаётимизга ҳеч ким раҳна солмасин.

Нурмуҳаммад ТОШМАТОВ,
Избоскан район ички ишлар бўлими ходими, милиция лейтенанти:

— Халқимиз ҳаётида унутилмас воқеалар рўй бермоқда. Уларнинг ҳар бири тўғрисида тўхталиб бўтмоқчи эмасман. Аммо бир нарсани айтмасам бўлмайди: тарихимизда илк бор Ўзбекистоннинг мустақиллигини байрам қилдик. Ўша куни кўзларимиз нурга, юзларимиз шукуҳга, қалбларимиз қувончга тўлди. Ўзимизни зулму истибдоддан холи сездик. Илк бор ҳақ-ҳуқуқимизни танигандай, кимлигимизни англагандай бўлдик. Халқимизнинг бошига ёғилаётган таъна тошларидан қутулдик.

Энди мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз, ёмон кунлардан, ёвуз кучлардан асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак. Референдум бу йўлда қўйилган дадил қадам бўлади. 29 декабрь куни биринчилар қатори оила аъзоларимиз билан Ўзбекистоннинг мустақиллигини ёқлаб овоз берамиз. Бошқаларни ҳам бизга қўшилишга даъват этамиз. Биргаликда ҳалол меҳнат қилиб, республикамизнинг куч-қудратини оширайлик, унинг мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшайлик.

Содиқ АБДУРАҲИМОВ,
Пайариқ районининг Карл Маркс номли жамоа хўжалигида яшовчи нафақахўр:

29 декабрь куни Ўзбекистоннинг мустақиллигини ёқлаб овоз бераман. Оиламизнинг бошқа беш вакили ҳам шу фикрда. Хўш, нима учун, дерсиз? Аввало Ўзбекистонимизни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустақил, қудратли республика бўлишини хоҳлаймиз. Бунинг учун бизда етарли манбалар бор. Ерости, ерусти бойликларимиз бисёр. Табиий неъматларга бой ўлкамизнинг ҳар бир қарич еридан дур ундириш мумкин. Энди ундан олдингидай ризқимиз қийилмаса, ҳар бир нарса халқни ўйлаб, халқ манфаати йўлида сарф қилинса, муродимизга тезроқ етамиз.

Суҳбатдош:
Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«КОНТИНЕНТАЛЬ ГРЕЙН» ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Континенталь Грейн» Америка корпорациясининг шу корпорация президенти Дональд Стахели бошчилигидаги делегациясини 10 декабрь куни қабул қилди. Делегация таркибида турли мамлакатларда жойлашган ва корпорацияга кирувчи йирик фирмаларнинг раҳбарлари бор. Делегация республикамизга иқтисодий масалалар юзасидан турли идоралар билан музокаралар олиб бориш учун келган.

Президент ҳузурида бўлиб ўтган қизғин суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг корпорация билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга доир кўпгина муаммолар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида шу куни бўлиб ўтган музокараларнинг сермаҳсул бўлганлиги таъкидланди.

«Континенталь Грейн» вакиллари олдин ҳам республикамизда бўлган, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлларини муҳокама қилган эдилар. Ёзда халқаро майдонда савдо битимлари тузиш учун корпорацияга Ўзбекистон пахтаси туркумини ажратиш тўғрисидаги протокол имзоланган эди. Д. Стахели республика амалий шерикларига қимматбаҳо хом ашёнинг бир қисмини етказиб берганлигини айтиб ўтди. Бу эса муносабатлар ишчанлик негизига қурилганига ишонч бағишлайди. Келгуси йилда ва кейинчалик ҳам маҳсулот етказиб бериш давом эттирилади.

Ўз навбатида корпорация Ўзбекистонга кўп миқдорда буғдой, пахта тозалаш ускуналари, етказиб бермоқчи, товуқ гўшти етиштиришни, жинси тайёрлашни ташкил этишни, шунингдек имкониятга қараб жинси газламадан болалар ва спорт кийимлари ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчи бўлаяпти, шунингдек мева ва сабзавотни қайта ишлаш масалаларини ҳал қилишга кўмаклашмоқчи.

Музокараларда бу қадар кенг миқёсли иқтисодий алоқаларни таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шу муносабат билан хом ашё ва маҳсулотларни ташишни ташкил этиш, мутахассисларни ўқитиш, техника муаммоларини ҳал қилиш лозим бўлади. Корпорациянинг Ўзбекистондаги фаолиятини мувофиқлаштириш, қўшма корхона ташкил этиш учун Тошкентда корпорациянинг қароргоҳини очиш мўлжалланди. «Континенталь Грейн»нинг ишбилармонлик фаолияти учун Тошкентда қулай шарт-шароит яратилиши таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Савдо ва ташқи алоқалар давлат комитетининг раиси У. Т. Султонов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.



Бундан икки йил муқаддам Киров районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида тикувчилик цехи ташкил этилган бўлиб, унда атиги тўрт киши ишларди. Ўтган вақт мобайнида бу кичик корхона ҳам энига, ҳам бўйига кенгайди. Ҳозир ҳар куни 40—45 та эркаклар кўйлаги тикилмоқда.

СУРАТДА: илғор тикувчи Дилфуза Отабоева.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

БИЗ ҚАЙСИ ЙЎЛДАН БОРАМИЗ?

Таъбир жоиз бўлса, жумҳуриятимиз аҳли шу кунларда икки йўл бошида турибди. Гарчанд уларнинг олиб борувчи манзили ва мақсади бир бўлса-да, қай бири билан тезроқ, созроқ бориш танлови барчамизга ҳавола этилган.

Бу танлов яна бир неча кунлардан сўнг, аниқроғи, 29 декабрь куни ойдинлашади. Шу куни биз халқимиз учун янги жараён, янги воқелик — серқуёш жумҳуриятимиз Президенти сайловини ўтказамиз. Бу ҳар биримизнинг зиммамизга ўлкамизнинг эртанги куни, истиқболи, иқболи учун юксак жавобгарлик ва масъулият юклайди. Демак биз аниқ фикрлашга, холис, халол бўлишга даъват этилганмиз.

Сўзимни икки йўл бошида турганлигимиздан бошлаганим бежиз эмас. Уларнинг бири «ЭРК» демократик партияси таклиф этаётган йўл бўлиб, гапнинг лўндасини айтганда— бу партия сиёсий, иқтисодий тузумни тинч йўл билан ўзгартириб, Ўзбекистонни баркамол мамлакатга айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Унинг муддаоси она диёримизда адолат, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган, ҳалоллик, мардлик, меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, ҳурмату оқибатга тўла ошкора демократик жамият барпо этишдир. Шубҳасиз ана шу улуғвор ниятлар йўлида бугунги сайловолди кунлари ва ўта ҳаяжонли, ўта туғёнли, масъулиятли дамларда «ЭРК» демократик партиясига биз билан сизнинг, кенг жамоатчиликнинг беғараз, беғубор, холис мадади керак.

Хўш, биз қайси йўлдан борамиз? Ўқиган бўлсангиз, «Халқ сўзи» рўзномасининг 6 декабрь сонида «ЭРК» демократик партиясидан шу партиянинг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, шоир ва жамоат арбоби — жумҳурият президентлигига номзод Муҳаммад Солиҳнинг сайловолди ҳаракат дастури қисқача бўлса-да, эълон қилинди. У ўзининг дастурига «Биз қайси йўлдан борамиз?» деб сарлавҳа танлабди. Шунинг учун ҳам яна такрор айтишга, такрор сўрашга ва такрор маслаҳатлашиб олишга тўғри келади:

Хўш, азиз ўлкадошлар, биз қайси йўлдан борамиз?

Отажон ПОЛВОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод Муҳаммад Солиҳнинг ишончли вакили.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Якшанба куни Молдовада Президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, сайлов участкаларига 1 миллион 946 минг сайловчи келган. Улардан 1 миллион 910 минг нафари ёки 98,2 фоизи Мирча Снегурни ёқлаб овоз берган.

● **Жанубий Осетия ҳудудида ўта хатарли вазият вужудга келди. Республика Ахборот комитетининг матбуот маркази ўтган куни шу ҳақда хабар қилди. Цхинвалининг чеккаларида, Зинаури районида 9 декабрга ўтар кечаси турар жойлар, жамоат бинолари ўққа тутилган. Яradор бўлганлар орасида болалар, аёллар бор.**

● 9 декабрда РСФСР Президенти Борис Ельцин Эстония Республикаси Олий Кенгашининг раиси Арнольд Рюйтель билан учрашди. Бир соатга яқин давом этган суҳбатдан сўнг қўшма баёнот имзоланди.

● **СССР халқ депутатларининг қарийб барча мустақил республикаларнинг вакиллари кирган гуруҳи «мамлакатнинг сиёсий ва иҳтимоий-иқтисодий ҳалокат ҳамда кўпмиллатли давлатнинг бузилиб кетиши сари жадал яқинлашиб бораётганидан ғоят ташвишланиб», СССР халқ депутатларининг фавқулодда VI қурултойини чақириш ташаббуси билан чиқди. Ана шу қурултойда СССРнинг бутун ҳудудида конституциявий тартибни тиклаш юзасидан қарорлар қабул қилиниши керак.**

● ТАСС хабар беришича, Жоҳар Дудаев Чечен Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва прокуратурасига Москвага бирон-бир ахборот беришни маън этадиган фармон тайёрлаган. Республикадан гўё ғаразли ниятда ёзилган нотўғри ахборотлар чиқиб кетаяпти, деб изоҳланмоқда бундай қарор.

● **Латвия давлат вазири Янис Диневич СССР Президенти М. Горбачевнинг Болтиқ мамлакатларида инсон ҳуқуқлари бузилаяпти, деган гапини инкор этди.**

«Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида, — деди Я. Диневич Латвия ЛЕТА агентлигига берган мусоҳабасида, — русий забонли аҳолининг аҳволи бундан кўра ёмонроқ бўлган жойлар инҳоятда кўп».

● Хитой мустақил Болтиқбўйига ўзининг савдо вакилларини юборди. Мақсад — бозор шарт-шароитини ўрганиш ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш. Делегация Латвия, Литва ва Эстонияда икки ҳафта бўлади.

● **Хорватиянинг можароли районларида бир неча кун шиддатли жанговар ҳаракатлар давом этганидан кейин энди аҳвол сокин бўлиб қолди. Эришилган битимга мувофиқ Югославия халқ армиясининг бўлинмалари республика ҳудудида илгари қуршаб олинган ҳарбий казармалардан кўчирилмоқда. Хорватиянинг ахборот манбалари хабар қилишича, охирги ҳарбий хизматчи Загреб яқинида жойлашган Югославия халқ армияси ҳарбий-ҳаво кучларининг «Плесо» авиация базасидан чиқиб кетган.**

● Голландиянинг Маастрихт шаҳрида Оврупо ҳамжамияти олий органи — Оврупо кенгашининг сессияси очилди. Сессия ана шу ҳамжамиятга кирган мамлакатларнинг валюта-иқтисод иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Унда қатнашаётган давлат ва ҳукумат бошлиқлари яна бир ҳужжат — сиёсий иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ҳам қараб чиқишга киришадилар.

● **Совет Иттифоқи шу йилнинг январидан августига қадар Японияга 12 тонна олтин сотди. Уни сотиб олиш билан шуғулланаётган «Танака кикиндзоку когио» компанияси собиқ СССРдаги шерикларидан қимматбаҳо металлни харид қилишда ҳеч қандай муаммоларга дуч келмаётганини айтди. Фирма вакилининг хабар беришича, у СССРда олтин иҳоятда етишмаётганини сезаётгани йўқ. Ваҳоланки, бу ҳақда ғарб матбуоти саҳифаларида кўп ёзилмоқда.**

Японияга бу йил етказиб берилаётган олтиннинг умумий миқдори бирмунча камайган, чунки 1990 йилда 19 тонна, 1989 йил эса 18 тонна олтин сотилган эди.

● Қорақалпоғистонда «Ишбилармонлар дунёси» деб аталган рўзнома чиқа бошлади. Қорақалпоғистон бош таъминот бошқармаси унинг муассиси бўлди. Рўзнома ишбилармонларга яхши ёрдам бериши мумкин. Унда тижорат ахборотларидан ташқари умумиқтисодий мавзудаги мақолалар, етакчи мутахассисларнинг шарҳлари ҳам босилади. Табийки, рўзномада рекламага катта ўрин ажратилади.

● **Жанубий Кореяда расмий ташриф билан меҳмон бўлиб турган РСФСР Олий Кенгашининг раиси Руслан Хасбулатов Россия олдида Совет Иттифоқининг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолият доирасининг кўп жиҳатларини ўз зиммасига олишдан иборат вазифа турибди, деб айтди.**

● Фаластин Озодлик Ташкилоти ижрокомининг раиси Ясир Арофат Москвани Яқин Шарқ тинчлик музокараларида Исроилни қуллаб-қувватлашда айблади. Шунга қарамай энг катта «айбдор» Вашингтон бўлиб қолмоқда, деди у.

● **Халқаро шашка бўйича жаҳон чемпиони номини олиш учун ўтказилаётган учрашувнинг 13-партияси Алексей Чижовнинг ғалабаси билан тугади. Энди ҳисоб унинг фойдасига 18:8 бўлди.**

(ТАСС, ЎзТАГ ва марказий матбуот материаллари асосида тайёрланди).

Водийларни ёёв кезганда...

Ҳ. ЮНУСОВА:
ВОБКЕНТ. Район марказида «Парранда» фирма дўкони очилди. Энди аҳоли парҳез гўшт харид қилиш учун Бухоро шаҳрига бориш ташвишидан халос бўлди. Паррандачилик фабрикаси раҳбарияти кунига икки-уч тонна маҳсулотни шу дўкон орқали сотишни мўлжаллаяпти.

Ю. ҲАМИДОВА:
УРГАНЧ. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган вилоят радио уйи ишга тушди.

Х. ЗОИРОВА:
ҚАМАШИ. Маҳаллий саноат корхонаси Италия ишбилармонлари билан ҳамкорликчи йўлга қўйди. Хорижликлар корхонага мева-сабзавотни қайта ишлайдиган ускуналар келтиришди. Дастгоҳларни юргизадиган мутахассислар тайёрлашга ҳам ёрдамлашишди. Ҳозир туман хўжаликларидан харид қилинган маҳсулотдан хом ашё сифатида фойдаланилаяпти. Цех тўла қувватга эришгач, йилига 20 минг тонна мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини қайта ишлайди.

И. ТОШЕВ:
ТОШКЕНТ. Қурилиш ашёлари корхонасида иккиламчи ресурслардан чинни кошинлар тайёрланмоқда.

* * *

«ИНСОН» фирмаси ташкил топганига унча кўп бўлгани йўқ. Яқинда фирма раҳбарияти ва мутахассислари уй-жойларни кимошди савдосига қўйиб сотишни тажриба қилиб кўришди. Бундай савдо Ўзбекистонда илк бор ўтказилди. Натижа ёмон эмас. Арзон сотилган бир хонали уй 35 минг, кўп хоналисининг юқори баҳоси 305 минг сўмга чиқди. Сотилган уй-жойлар пулининг 15 фоизи фирма ва туман ижроия қўмиталарига ўтади. Қолган 85 фоизи эса уй эгасига тегадиган бўлди.

Ж. ТУРДИЕВ:
АНДИЖОН. Бозор иқтисодиёти шарофати билан дўконларда бор нарсалар ҳам изсиз йўқолди. Янгисини топиш амримаҳол. Топилганда ҳам нархи осмонда, чўнтак кўтармайди. Шу боис Хартум қишлоғи оқсоқоллари пойафзал, радио-телевизор, заргарлик буюмларини таъмирлайдиган устахоналар очдилар. Аҳоли усталар хизматидан баҳраманд бўлди.

Ж. ЮСУПОВ:
УЛЬЯНОВ РАЙОНИ. Қорақўғирот қишлоғида истиқомат қилаётган Улуғ Ватан уруши ногиронлари, байналмилалчи жангчилар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида текинга уй-жой қуриб берилди. Уларга арзон нархда 26 бош сигир, 4 бош қўй сотилди. 96 кишига 20 сўмдан 50 сўмгача нафақа тайинланди.

И. ДИЛМУРОДОВ:
НАМАНГАН. Вилоят тикувчилик бирлашмаси мутасаддилари жаҳон андазаси даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни орзу қилишарди. Яқинда шу орзу рўёбга чиқди. Улар Канаданинг «Мистер гудбай» фирмаси билан алоқа ўрнатишди. Хорижликлар замонавий дастгоҳлар ва эҳтиёт қисмлардан ёрдам қилишди. Уста — уста эмас, асбоби—уста, деганлари рост экан. Ишлаш қулай дастгоҳларда қизлар хорижликлардан қолишмайдиган қўйлак, трикотаж уст-бошлар тикишаётир. Яқинда фирма президенти Мишел Лифел Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон — «Мистер гудбай», Канада — Молдова қўшма корхонасини очишга келишилди.

* * *

ИККИНЧИ пахта тозалаш заводи «касби»ни ўзгартирди. У трикотаж фабрикасига айлантирилди. Корхона бинолари таъмирланди. Цехларга Украинадан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу ишларни бажаришда бирмунча тажрибали ҳисобланган жиззахликлар, олтинкўлликлар кўмаклашишди. Ҳозир фабрика ишчилари тикаётган ички кийим-кечаклар пешма-пеш савдога чиқарилаяпти. Фабриканинг иккинчи навбати қурилаяпти. У ишга тушса, йилига 850 тонна ип газламага айланаркан, 400 киши иш билан таъминланаркан.

Р. КАРИМОВ:
ЎШ. Австро-Венгриянинг «Нью бэнк менежмент консорциум» компанияси вакиллари вилоят ташқи иқтисодий алоқалар комитетида қабул қилинди. Улар ўшликларга хорижда ишлаб чиқарилган саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга тайёр эканликларини айтдилар. Гап шундаки, «Нью бэнк менежмент консорциум» омборлари бундай молларга лиқ тўла бўлиб, ғарбий Оврупода уларга эҳтиёж сезилмас экан.

БИШКЕК. «Халқ бирлиги» демократик ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда жумҳурият иқтисодий, иҳтимоий-сиёсий ҳаётига оид масалалар муҳокама этилди. Ҳаракатнинг координацион кенгаши, сиёсий ижроия комитети аъзолари, қамраслари сайланди.

«Халқ бирлиги» дастурида таъкидланишича, улар миллатчилик, ирқчилик, фуқаролар тили ва миллатининг камситилиши каби иллатларга қарши курашадилар.

НОРИН. Вилоятнинг Хитой Халқ Республикаси билан туташган жойида Иссиқкўл божхонасининг назорат ўтказиш бўлими иш бошлади. Божхона биноси таркибига ресторан, барли мусофирхона, банк, видеосалон ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари киради.

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

Мустақил республикалар адлия вазирларининг Тошкентда ўтказилган дастлабки маслаҳат учрашуви қўшма баёнотни имзолаш билан ниҳоясига етди. Мамлакатда ижтимоий-сиёсий турмушни марказ тасарруфидан чиқаришдек ҳозирги шароитдаги муддаолари ўз ифодасини топган ушбу ҳужжатда куч-ғайратларни бирлаштириш, қонун устиворлиги умумий стратегиясини амалга ошириш, мустақил давлатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини қўйиш кўзда тутилган. Уни Беларусь, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Тожикистон Адлия вазирликларининг раҳбарлари имзоладилар.

Маълум сабабларга кўра учрашувда қатнашиш имкониятига эга бўлмаган Россия, Украина, Арманистон ва Молдова адлия вазирлари айни вақтда унинг натижаларига тўла қўшилганликларини, барча мустақил жумҳуриятлар адлия идоралари билан ҳамкорлик қилиш, ҳуқуқий бошбошдоқлик ва адлиявий нодонликка қарши, қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ягона ҳуқуқий макон яратишга қаратилган сиёсатни биргаликда олиб боришга тайёр эканликларини айдилар. Бу журналистларга маълум қилинди.

Унинг якунларига бағишлаб журналистлар билан ўтказилган учрашувда анжуманда қатнашган кишилар Ўзбекистон Адлия вазирлигининг ташаббускорлигини юқори баҳоладилар.

Қирғизистон ва Ўзбекистон адлия вазирлари У. М. Мукамбоев ва М. М. Маликов учрашув жараёнида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Унда қўшни мустақил республикалар Адлия вазирликлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: Қирғизистон Республикаси адлия вазири Юсуф Мукамбоев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Муҳаммад Бобур Маликов ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномага имзо чекишмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ГДЛЯН БОШ КЎТАРМОҚДА!

ИЛОННИНГ СЎНГГИ ЗАҲРИ

Москвадан бир хабар келди: СССР Олий Кенгашининг Иттифоқ Кенгаши ўзбек халқининг ашаддий жаллодлари ҳисобланмиш Тельман Гдлян ва Николай Ивановларни оқлабди, яъни ишга тиклашни тавсия этибди. Бир вақтлар жиноий жавобгарликдан фақат депутатлик ниқоби остига яшириниб қутулиб қолган қонунбузар қонунчиларнинг асоссиз оқланишига қатъий норозилик билдирган ҳолда Иттифоқ Кенгашидаги вакилларимиз мажлисни тарк этиб жуда тўғри иш қилдилар.

6 декабрь кечки пайт марказий телевидение ўз экранини Гдлян ва Иванов жаноб-ларига икки қўллаб топширди. Улар яна ўзбек халқининг бошидан мағзава тўка бошладилар. Умид қиламизки, бу охирги мағзава бўлса керак. Ёки, бошқача айтсак, чаённинг сўнгги заҳри.

Эмишки, жаноб Тельман Хоренович Берия (бу менинг иборам эмас, шоир Муҳаммад Юсуфнинг ибораси — Қ. С.) Ўзбекистондан, айниқса Фарғона водийсидан ҳаром йўл билан топилган миллион-миллион сўм пулларни ололмаганмиш. Шу сабабли ҳам Фарғонадаги ур-йиқит чоғида ўзбек махфиясининг бошлиқлари ушбу пулларни месхети туркларини ўлдирган, зўрлаган кимсаларга даста-даста қилиб улашиб берган эмишлар. Ўлдирганига шунча минг, зўрлаганига шунча минг ва ҳоказо. Бу даъвони исботлашга унда, яъни Гдлянда ҳужжатлар бор эмиш... Ўзбеклар русларга қарши қурол кўтаришдан ҳайиқибдилар, арманларга, татарларга қарши ҳам. Топиб олганлари ҳимоясиз, бир ҳовуч шўрлик месхети туркларидан бўлибди.

Биз бу ерда вайсақи тарговчи билан тортишиб ўтиришни ўзимизга эп кўрмаймиз. Фақат бир нарсани уқтириб қўймоқчимиз: наҳотки Иттифоқ прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчисига Фарғона шаҳрида месхети турклар махфиясининг бошлиғи — «Босс» лақабли марҳум у ерда одамларга қандай жабр-зулм ўтказганлиги ва қонли воқеаларга ана шу нарса сабаб эканлиги аён бўлмаса? Ахир бу ҳақда ўз вақтида оммавий ахборот воситалари Давлат Хавфсизлиги комитетининг ҳужжатларига асосан батафсил маълумот берган эдилар-ку!

Иккинчидан, ўлдирганлик, зўрлаганлик учун кимгадир мукофот пуллари улашилганлиги далиллари терговчига маълум эканг. Нега бу нарса ҳозиргача сир сақланди, бировга айтилмади? Нега энди дўппи тор келганда эслаб қолинди?

«Заҳар сочмоқ эмиш касби илоннинг...» Ўйлаймизки, бу энди талвасага тушаётган, мустақиллигимизни кўролмаётган илоннинг сўнгги томчи заҳари бўлса керак...

Қодиржон СОБИРОВ.

Олим нуқтаи назари

АТРОФ МУҲИТИ, САЛОМАТЛИК ВА СИЁСАТ

Экологик муаммоларнинг кескинлиги эндиликда очиқ-ойдин бўлиб қолди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, атмосферанинг йўл қўйиладиган нормаларидан ошиб кетган ифлосаниши ҳозир бир миллиарддан ортиқ киши яшайдиган минтақани қамради, саноат чиқиндиларидан иборат тоғлар тобора юксалмоқда. Инсоният учинчи минг йиллик бўсағасида яшашнинг илгариги шарт-шароитига хос бўлмаган, сифат жиҳатидан янги муаммоларига тўқнаш келди. Инсоннинг табиатга таъсири биоижтимоий норитмлилик, кишининг биологик имкониятлари билан у яшайдиган ижтимоий-экологик муҳит ўртасида зиддият пайдо бўлишига олиб келди.

Ўз вақтида Ф. Энгельс фалсафий дунёқараш онгдаги ва амалий соҳадаги ҳар қандай туб ўзгаришларнинг муқаддимаси бўлиб майдонга чиқади, деб ёзган эди. Шу сабабли бугунги кунда аввало инсон нафақат ижтимоий, балки табиий ривожланишда ҳам ўз ўрнини билиши, у ўзининг нафақат ўзгартирувчи, балки ижтимоий ва табиий қадриятларнинг сақловчиси ҳам эканлигини англаб етиши керак.

Кишилик жамияти билан табиат ўзаро таъсирининг диалектикаси шундайки, у табиатни ўзгартира бориб, ижтимоий, табиий-жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатлараро муносабатларда янги шарт-шароит яратади. Ҳозирги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда атроф муҳити инсоннинг биоижтимоий имкониятларига монанд бўлмаган турли хил таъсирларга учрайди. Бир қатор минтақаларда (Ўрта Осиё социоэкосистемасини ҳам уларга киритиш лозим) инсоннинг табиатга таъсири ҳозирданоқ танг экологик вазиятга олиб келди.

Кейинги пайтда инсон хўжалик фаолиятининг тадқиқи саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва транспорт ана шундай таъсирнинг омиллари эканлигини кўрсатди, улар туфайли муҳитнинг ифлосланиш даражаси астасекин ошиб борди. Боз устига, бу даража Ўрта Осиё шароитида тоғ рельефи, чўлларнинг яқинлиги, ҳарорат юқорилиги ва бошқа жуғрофий ҳамда иқлимий хусусиятлар оқибатида СССРнинг Европа қисмидагига қараганда йилдан-йилга кўпроқ юксалиб борган. Урбанизациянинг тобора ўсаётганлиги, суғориладиган экинзорларнинг кенгайиши, уни кимёлаш, коммуникация тармоқларини ўтказиш, ўрмонларни кесиш, сув ресурсларини норационал тақсимлаш, бойликларни очиқ усулда казиб олиш ва ҳоказолар ҳам экологик тизимнинг номатлуб ўзгаришларига олиб келди.

Маълумки, кейинги йилларда Ўрта Осиё минтақасининг ишлаб чиқарувчи кучлари анча ривожланди. Фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқлари билан қуролланган инсоннинг табиатга фаол, баъзида етарлича асосланмаган тарзда кириб келиши яшаш муҳитига таъсирини янада кучайтирди, одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун жиддий хавф туғдирувчи экологик вазият юзага келди.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ўсиб борган сайин атмосферага чиқариб юборилаётган зарарли моддаларнинг ҳажми анча кўпайиб, йилига 4,2 миллион тоннадан ошди. Шунинг 2,9 миллион тоннаси автотранспортдан чиқади. Андижон, Гулистон, Қўқон, Қарши, Навоий, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарлар ҳавоси жуда ифлосланган. Буларда бир йўла ҳавога чиқадиган моддалар йўл қўйиладиган нормалардагидан 6—9 маротаба ортиқ.

Усимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ҳажмининг камайишига мойиллик бўлгани ҳолда республикада уларни қўллаш даражаси ҳали ҳам юқорилигича қолмоқда. 1987—1990 йилларда аграр секторнинг ўзидагина фойдаланилган заҳардорилар миқдори 79—84 минг тоннани ташкил этди. 1 гектар ерга ўртача 19,5—24 килограмм заҳардори тушди. Кейинги 20—25 йил ичидаги қиёсий таҳлил заҳардориларни қўлланиш йўлларини ишлаб чиқиш билан қишлоқ районларида болалар ўлимининг ўсиши орасида ўзаро боғлиқлик борлигини кўрсатди. 70-йилларнинг бошидаёқ ҳомиладорлик ва туғруқ оғирлашиши, ўлик чақалоқ туғилиши, янги туғилган болалардаги нормал ҳолатлар, болалар соғлиғи ҳолатининг комплекс кўрсаткичлари ёмонлашувининг қайталаниши қишлоқ хўжалигини кимёлашга боғлиқлиги аниқланган эди. Яқинда бу натижалар СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олтита иттифоқдош жумҳуриятдаги аҳволни ўрганиш чоғида тасдиқланди. Кимёлаш фаол қўлланилган барча районларда ҳам катталар, ҳам болалар соғлиғининг кўрсаткичлари кескин ёмонлашган. Чамаси, радиацияга ўхшаб заҳардорилар ҳам таъсир кўрсатишда чегарага эга эмас: уларнинг яшаш муҳитига ҳар қандай тазйиқида инсоннинг ҳимояланиш (иммун) тизими хароб бўлади, инсоннинг ирсиятига ғоятда салбий таъсир кўрсатади.

Табиатнинг заҳардорилар билан ифлосланиши ҳозирги экологик прогнозлашнинг жуда муҳим муаммосидир. Ҳозир заҳардорилар ҳамда инсон учун хавфли бошқа дориворларни қўлланиш ҳажмларини қисқартириш; пестицидлар, гербицидлар ва дефолиантлар билан зарарланишга қарши тезкор чоралар кўриш талаб қилинадиган районлар, шаҳарларни аниқлаш; уларнинг қолдиқлари билан айрим минтақалар ифлосланишини прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқиш жуда зарур.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ўсиб бораётгани кишилар соғлиғи учун анчагина хавф туғдиради. Бу айниқса Ўзбекистоннинг саноат марказлари учун хосдир. Чунончи, олмалиқлик бир кишига 1374, Фарғонада —676, Навоийда—606, Ангренда—509 килограммдан зарарли чиқинди тўғри келмоқда. Бу шаҳарларда айниқса нафас олиш органларининг касалланиши — сурункали бронхит, бронхиал астма кескин кўпайди, бунинг устига касалланганларнинг 50—70 фоизи болалардир. Умуман олганда, 1990 йилда республикада яшовчи ҳар бир кишига 203 килограммдан зарарли модда ташландиси тўғри келди. Бундан ташқари корхоналар томонидан 1,3 миллиард куб метрдан кўпроқ ифлосланган оқова сув (шу жумладан табиий ҳавзаларга — 300 миллион куб метрдан кўпроқ) чиқариб ташланди. Қаттиқ зарарли моддалар атмосферада 21,7 фоизни, газсимон ва суюқ моддалар 78,3 фоизни ташкил этади. Кейингилар орасида сульфит ангидриди (524 минг тонна ёки барча ташланларнинг 51 фоизи), углеводородлар (220 минг тонна ёки 21 фоиз) ва углерод оксиди (150 минг тонна ёки 14,5 фоиз) ғоятда хавфлидир.

Заҳарли моддалар ташландиларини тутиб қолиш, зарарсизлантириш ва камайтириш бобидаги тадбирлар бажарилмаслигининг асосий сабаблари ана шу мақсадлар учун ажратиладиган капитал маблағларни ўзлаштиришдаги қолоқлик, чиқаётган газларни тозалашга доир қувватларни ишга туширишдаги муддатларига риоя қилмаслик, корхоналарда бузуқ, унумсиз ишлайдиган чанг-газ тозалаш ускуналарининг мавжудлиги, шунингдек вазирлик ва идоралар, маҳаллий советлар томонидан табиий муҳитни муҳофаза қилиш устидан назоратнинг сустлигидир. Ифлослантирувчи манбаларнинг атиги 48 фоизи газ-чанг ушлагичлар билан жиҳозланган. Кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялар ишлаб чиқаришга сust жорий қилинмоқда. Шунинг учун қайтадан фойдаланиладиган моддалар миқдори 1987 йилга қиёслганда 381 минг тонна қисқарди (ёки тутиб қолинган ва зарарсизлантирилган моддалар умумий миқдорининг 70 фоизи).

Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг ҳаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги йилларнинг тадқиқотлари Ўрта Осиё минтақасида аҳоли соғлиғининг асосий параметрлари ёмонлашиб бораётганини кўрсатди. Касалланиш ва ўлимнинг кўпайиши, меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг камайиши сезилмоқда. Ҳар йили Ўзбекистонда 6 миллиондан ортиқ сурункали ва 750 мингдан зиёд юқумли касалликларга (ичак инфекцияси, вирусли гепатит) чалинган беморлар рўйхатга олинади, хавфли шишлар билан оғриган беморлар аниқланмоқда. 1990 йилнинг ўзидагина асаб тизими, тери, терности ҳужайраларининг хасталаниш ҳоллари миқдори 1,4 баравар, қон айланиш аъзолари касалланиши эса 1,3 баравар ошган. Шуни таъкидлаш керакки, касалланишларнинг энг юксак даражаси Оролбўйи минтақаси, Тошкент вилояти (айниқса Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва Тошкент), Фарғона водийсининг айрим шаҳарларидадир.

Аҳоли соғлиғи даражасининг атроф муҳитига боғлиқлигига доир социологик тадқиқот кўрсатишича, сўралганларнинг 66 фоизи ўз соғлиғини қониқарсиз ва 26 фоиздан кўпроғи ёмон деб баҳолаган. Бунинг устига 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган кишилар ўртасида сўралганларнинг 50—76 фоизи ўз соғлиғининг қониқарсиз эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, соғлиқ билан экологик вазиятнинг ёмонлиги аниқланган жойда қанча муддат яшаганлик ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Чунончи, шундай жойда яшовчи 4—5 ёшдагиларнинг ярмидан кўпроғи, 11—15 ёшдагилар ўртасида эса 70 фоиздан ортиғининг соғлиғи қониқарсиз экан.

Умуман республикада инсоннинг руҳий-физиологик кўрсаткичлари ёмонлашиш тенденцияси давом этмоқда— бўй, оғирлик, кўкрак қафасининг ҳажми камайиб бормоқда. Организмнинг иммун ҳолати (қаршилик кўрсата олиши) пасайиши ташвиш уйғотади. Ҳар йили 6 мингдан ортиқ бола руҳий етишмовчиликлар билан туғилаяпти. Ҳозир эркаклар ўртача 10 йил, аёллар эса 7 йил кам яшамоқдалар. 1985 йилда 1939 йилга нисбатан 50 яшар кишиларнинг келажак ҳаёт даври анчагина кам бўлди.

Ғайритабиий вазият юзага келиб қолди: статистикага қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг врачлар ва касалхона ўринлари билан таъминлаши жиҳатидан дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллайди, лекин аҳолисининг ўртача умр кўриши ривожланган мамлакатлардан ҳам, ривожланаётган мамлакатлардан ҳам орқада. Буни осонгина изоҳлаш мумкин: соғлом турмуш тарзи, қулай ижтимоий-иқтисодий ва экологик шарт-шароит ҳамда ушбу жамиятларда ҳукмрон бўлган шунга мувофиқ сиёсий жараёнлар аҳоли соғлиғини шакллантирувчи қудратли омилдир. Шунингдек яхлит ижтимоий-экологик ва экологик-иқтисодий сиёсатни шакллантириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Жумҳуриятда яхлит ижтимоий-экологик сиёсат шакллантирилмоғи керак. Экологик сиёсат деганда давлат фаолиятининг шундай йўналиши тушунилиши керакки, у «табиат—жамият» тизимида ўзаро муносабатларни бошқаришни қулай ҳамда самарали амалга ошириш имконини берсин. Табиат ва жамиятнинг турли ижтимоий тизимлардаги ўзаро алоқаси қонуниятлари, шарт-шароити ва шаклларини, шунингдек бундай ўзаро алоқаларни мақбуллаштириш ҳамда уларни бошқариш усулларини ўрганадиган сиёсий экология ана шу сиёсатнинг илмий-методологик базасидир. Экологик сиёсатни ишлаб чиқишда ҳозирги билимлар барча тармоқларининг намояндалари иштирок этмоқдалар, у давлатнинг бошқарувга доир қарорларида ўзининг мужассам ифодасини топмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда экологик сиёсатни ишлаб чиқишнинг муайян тажрибаси тўпланган. У одатда давлат ва унинг органларининг марказий, маҳаллий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқа даражаларда жамиятнинг атрофдаги табиий муҳит билан мавжуд ҳамда потенциал имкониятларига дахлдор учта асосий соҳадаги бошқарув фаолиятини ўз ичига олади: биринчидан, у табиатни бамисоли «консерватив» муҳофаза қилишдир, яъни қўриқхона ҳудудлари учун ташкилий-ҳуқуқий чораларни, миллий боғ ва ўрмонлар режимини, биосфера қўриқхоналари ва резерваторлар (хўжалик оборотидан олинган табиатни муҳофаза қилиш объектлари) режимини ишлаб чиқиш, шунингдек ҳайвонот ва наботот дунёсини табиий ҳолатда муҳофаза қилиш; иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳудудларни карталаштириш, табиатда экологик мувозанатни сақлашни ҳисобга олган ҳолда хом ашёнинг энергетик манбаларидан навбат билан фойдаланиш, фойдали қазилмалар ундирилишини бошқариш ва ҳоказо; учинчидан, сув, ҳаво, ерни муҳофаза қилиш, шовқин-сурон ва радиацияга қарши кураш, чиқитсиз ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, аҳоли дам олиши учун қулай экологик шарт-шароитни таъминлаш ва ҳоказолар. Шундай қилиб, экологик сиёсат жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири кенг доирасида бошқарувнинг мураккаб ҳамда комплекс механизми кўринишида намоён бўлади.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўта борган сари олдинги ўринга инсон ҳуқуқларининг принципиал жиҳатдан янги компонентлари — экологик компонентлар қўйилади. Ғарбдаги кўпгина давлатларда фуқароларнинг қулай атроф муҳитига нисбатан ҳуқуқлари, экологик мувозанатни сақлаш масалаларига жуда жиддийлик билан ёндашилади. Уларнинг 1975 йилдан сўнг қабул этилган конституцияларининг деярли барчасида тегишли иқтисодий механизмлар билан таъминланадиган ана шу ҳуқуқ тўғрисида тўғридан-тўғри ёки билвосита гапирилади.

Фикримча, ССР Иттифоқида табиатни ва унинг ресурсларини муҳофаза қилиш манфаатлари экологик муаммоларга нисбатан шунга монанд ёндашишни талаб этади, бундай ёндашиш халқ хўжалигини бошқариш янги шакллари билан узвий боғланган бўлиши керак. Атроф муҳитига зарарли таъсирни ҳуқуқ йўли билан чеклаш, табиатни муҳофаза этишга доир қонунларни бузувчиларга нисбатан турли жазо чораларини қўллаш, табиатдан оқилона фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Кўп мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, ифлослантирувчи моддаларни ташлашни чеклаганлик ёки тўхтатганлик учун тўловни жорий этиш бундай рағбатлантиришнинг мақбул шаклидир. Ана шу тўловларнинг каттагина қисмидан табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш, техника билан қайта қуроллантириш учун, атроф муҳитини ифлослантиришнинг салбий ижтимоий-экологик оқибатлари ўрнини қоплайдиган тадбирларни бажариш учун фойдаланиш керак.

Бизда экологик муаммонинг кескинлиги муайян даражада миллий даромадда моддий сарфнинг ўсиши туфайли юзага келган, бу эса инсоннинг табиатга бўлган антропоген юки ошишига сабаб бўлмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда 1988 йилда миллий даромаднинг 1 фоиз ўсиши учун саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 2,9 фоиз ўсиши талаб қилинди. Иқтисодий структура ҳам таъсир этмоқда, унда ифлослантирувчи тармоқларга — энергетика, металлургия, тоғ-кон саноатига каттагина ўрин ажратилган.

Ишлаб чиқаришда материал ва энергиянинг ортиқча сарфланиши фойдали қазилмалар ундиришнинг йирик миқёсларини, уларни қайта ишлаш ва йўқотишни талаб этади, бу эса ўз навбатида бўш жинслар, кул ва тошқолнинг, зарарли ташландиларнинг сув ва ҳавога кўплаб чиқишига олиб келади. Тахминий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳар йили 7,5 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси, 60 миллион тоннадан ортиқ юзадаги жинслар ҳосил бўлади. Лекин уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш даражаси жуда ночор — 3 фоиздан ошмайди, бу эса умумиттифоқ кўрсаткичидан 2 баравар, Украинадагидан 4 баравар пастдир.

Жумҳуриятимизда иккиламчи газмоллар 90 фоиз, кул ва кулли тошқол 8,6 фоиз, каолинли гилтупроқ 4,4 фоиз, иккиламчи полимерлар 20 фоиз ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқиндилари (ғўзапоя, пахта линти, каноп ўзаги, тут пояси), асбестли чиқиндилар (салкам 2 миллион тонна), бетон ва темир-бетон (6,6 минг тонна), тахта тилиш ва ёғочга ишлов бериш чиқиндилари амалда ишлатилмаяпти. Буларнинг ҳаммасини саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш чиқиндиларнинг атроф муҳитига салбий таъсирини камайтириш билан бир қаторда халқ хўжалиги учун муҳим самара олиш имконини беради. Асосий хом ашёни иккиламчисига алмаштириш эвазигагина 20 йил ичида (2010 йилга қадар) 2—2,5 миллиард сўм фойда олиш мумкин. Бундан ташқари фойдали қазилмаларнинг конларидан, баъзи истиснолардан ташқари, доимо ва комплекс тарзда фойдаланилмайди: ундириладиган 15 миллиард тонналик кон массасидан атиги 10 фоизи фойдали маҳсулотга айланади.

Атроф муҳитига йўл қўйиладиган техноген таъсирнинг нормативлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги билан бир қаторда табиатни муҳофазалаш тадбирларини ҳамда табиий ресурсларни такрор ҳосил қилишни прогнозлаш ва режалаштириш бобида шакланган амалиётнинг йирик камчилиги — уларнинг халқ хўжалиги тизими ва унинг таркибий қисмларини тармоқ ҳамда регионал бобда ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқ эмаслиги. Бу ҳол эса иқтисодий сиёсатнинг устун йўналишларини ажратишни иқтисодий ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқиб, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни такрор ҳосил этиш бўйича ишларни бажаришнинг мақбул миқёслари ҳамда муддатларини белгилаш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш имконини бермайди.

Бутун Ўрта Осиё минтақаси даражасида ва умуман мамлакат бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳозирги вазиятини, йўналиш ва истиқболларини яхлит тарзда экологик-иқтисодий таҳлил этишнинг зарурати етилди. Бундай шароитда Ўзбекистон Республикасининг Экология ва саломатлик жамғармасини тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундай жамғарма ўз ичига ҳозиргача анча тарқоқ бўлиб келаётган, аммо саломатлик ва экология борасида анча ишлар олиб бораётган илмий кучларни, молиявий имкониятларни бирлаштирган, бу борада ижтимоий-экологик сиёсатни амалга оширишда катта ёрдам берган бўлур эди. Ижтимоий экологик сиёсат асосий мезонни ажратишни талаб қилади, инсон соғлиғининг ҳолати айни шундай мезондир. У ёки бу ижтимоий тузумнинг табиатга нисбатан афзал жиҳатлари ҳақида пировардида инсонга, унинг соғлиғи ва ишлаш лаёқатига қараб ҳукм чиқариш керак.

Ю. ШОДИМЕТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ОЙНАИ ЖАҲОН КИМНИКИ? ЭНДИ БИЛСАК— ШАЛЛАҚИНИКИ!

Ўтган жумъа куни, нақ кечқурун марказий телевидение Ўзбекистонга қарши тағин кўпорувчилик қилди: шармандаи шармисор, ичи қораю бети қора Гдлян (унинг номуборак номини қаламга олганда негадир дашноқлар қиличи тиғи остида қириб ташланган бегуноҳ мўъмин-мусулмонларни, 37-йил даҳшатларини, истилоҳу истибдодни эслаймиз) билан Ивановга зўр ҳотамтойлик ила, яъни вақтни аямай минбар берди. Кўрсатувни кўрганлар туҳмат, бўҳтон, қонунбузарлик ахлатхонаси бадбўйлигини яна бир бор ғижиниб ҳис этдилар, бу дунёда «замона — зўрники, томоша — кўрники» нақлининг ҳақлигига имон келтирдилар. Биз-ку тушунамиз, биламиз бу ҳудобехабарликнинг илдизларини, ҳатто ана шу бадкирдорлар ва талончиларнинг қанчадан-қанча пулларимизни, зебу зийнатларни инсон зотини қақшатиб-бўзлатиб ўмариб кетишгани, шулар ҳисобига кекириб, бўкириб (охири қусишлари тайин!) юрганликларини, сайловчиларга аямай садақа улашганликларини, аммо бу ҳақиқатни, яъни ўзбек элини талаганликлари ҳақидаги бор гапни юртимиздан минглаб чақирим йироқдаги ғофил, алданаётган кишиларга қандай тушунтириб берамиз? Жаллодсифат терговчиларнинг инсоняатларини исботловчи ўнлаб жилдларга сиғдирилган ҳужжатларни тўплагани учун СССР прокуратурасидан нотўғри бўшатилган ажойиб инсон — Виктор Илюхиннинг далилларини темир сандиқдан чиқариб ким ошкор этади? Телевидениенинг жилови «Московские новости» ҳафтаномасига бош муҳаррирлик қилган, нуқул қитиқловчи, гиж-гижловчи, бировни иккинчи одамга нисбатан қайраб қўювчи писмиқона мақолалару хабарлар воситасида танилган муҳтарам жаноб — Егор Яковлевнинг қўлида бўлса, Гдлян унинг қадрдонию маслакдоши ҳисобланса, арзингни кимга айтасан, кимга?!

Лекин биз бўш келмаслигимиз, оғзимизни очиб, анграйиб, ҳақоратларга чидаб турмаслигимиз зарур. Ахир бизнинг мустақиллигимиз бор, ўз Президентимиз, Олий Кенгашимиз, ҳукуматимиз бор, пок-ҳалол номимиз бор! Раҳбариятимиз бунақа камситишларга қақшатқич зарба бериш чораларини кўришларига, шаънимизни ҳимоя остига олишларига аминмиз. «Ит ҳуради, карвон ўтади» мақолини айнан ўз мазмунида тушунмайлик, ахир! Ҳар қандай бедодликнинг чеку чегараси бор!

Ўша машъум кўрсатувдан сўнг «Халқ сўзи»нинг хатлар қутисини очарканмиз, нафрат ҳисларига тўлиқ даста-даста мактубларга кўзимиз тушди, телефонлар қўнғироғи тинмаяпти. Биз буларни ўз тенглигини англаган омманинг шиддатли овози деб биламиз ва бундан қувонамиз. Бироқ тассуфки, товушимиз йироққа етиб бормаяпти, бундан фойдаланган ғанимларимизу рақибларимиз тап тортмай ҳаддиларидан ошмоқдалар, сассиқ гапларнинг уясини атайлаб ковламоқдалар. Йўқ, «андишанинг оти — қўрқоқ» дейилган пайтлар орқада қолди.

Муддао битта: ҳайқирайлик, ҳайқириғимиз Москва нари турсин, жаҳон ҳамжамиятига етиб борсин, ким золиму ким мазлумлигини ҳамма билсин!

...«Шаҳар кимники?» деб сўрабди бир бечора. «Шаллақиники!» — дадил жавоб берибди донишманд. Марказий телевидение ҳам аллақачондан буён шунақаси ихтиёрида. Майли, билганларича бит боссин, дейлик. Аммо бу вайсақилик нураги, қулаган Иттифоқ деворларини бир амаллаб тиклашга, Ўзбекистон билан Москва муносабатларига қанчалик фойда келтиришини бирор кимса айтолмайди.

...Бу воқеалар 1991 йилнинг 29 декабри — Мустақиллигимиз тақдири умумҳалқ ҳукмига қўйиладиган референдум арафасида рўй берганида, собиқ СССРдаги уч йирик славян давлатлари раҳбарларининг Минск учрашувига тўғри келганлигида қандайдир боғлиқлик, илоҳий рамз йўқмикин-а?

«Халқ сўзи» рўзномаси таҳририяти.

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

«Ўзбекчикин» Совет—Америка қўшма корхонасининг Фарғона филмали Чимён посёлкасида янги цех қуришга киришди. Яқин йиллар ичида бу ерда колбаса, сосиски ва дудланган гўшт тайёрлаш йўлга қўйилади. Цехга ўрнатиладиган асбоб-ускуналар Голландиядан харид қилинди.

Ҳамкорлик цехи 1993 йилда тўла қувват билан ишлай бошлайди ва ҳар куни 3—4 тонна маҳсулот чиқарадиган бўлади. Зарур хом ашё шу ернинг ўзида тайёрланади. Ҳозир корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ташкил этилиб, 102 бош қўй, 70 бош қорамол боқилмоқда. Келгусида чорва сони кўпаяди, чўчқачилик ҳам йўлга қўйилади.

ЮТУҚҚА... ТУЯ

Ғиждувон район деҳқончилик-саноат уюшмаси ташкил этган лотерея ўйини кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унинг ўзига хослиги шундаки, омади чопганларга ютуқ учун одатдагидек рўзғор буюмлари ёки пул эмас, балки от, туя, ғунажин, қўчқор берилди.

Пул қадрсизланиб, чорва молларининг нархи кунданкунга ошиб бораётганлигини ҳисобга олганда шундай бахт кулиб боққан кишиларга ҳавас қилса арзийди. Лотереядан тушган фойда районда чорвачиликни ривожлантириш учун сарфланади.

(ЎзТАГ).

Мактубларда эл дарди

ХАЙРИЯТ...

Ҳамюртимиз Аҳмаджон Одиловнинг салкам саккиз йилдан буён Москвада азоб чекаётганлиги кўпчилик қатори мени ҳам қийнарди. Ер юзидаги бирон-бир мамлакатда инсон ҳақ-ҳуқуқлари бунчалик поймол қилинган бўлмаса керак. Мен у киши ҳақида «Халқ сўзи»да босилган ҳар бир мақолани диққат билан ўқиб бораяпман. Яқинда эса Аҳмаджон ака ўз она тупроғида, Ўзбекистонда суд қилинаётганини эшитдим. Хайрият ҳақ қарор топди.

Т. ҲАМИДОВ,
тиббиёт фанлари доктори.

ҚАДРИЯТИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК

Биз Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги Литвинов номли маҳаллада яшаймиз. Кўпчилик жойларда бўлгани каби биз истиқомат қилаётган ерга ҳам бир пайтлар ана шундай ном берилган. Кўчаларимиз ҳам шунга ҳамоҳанг. Кремлевская, Якубовский, Зайцев, Хохлов, Колхозная... Баъзан қаерда яшаяпмиз ўзи, деб ўйланиб қоламиз.

Маҳалламизда Ўзбекистонда маърифат ишларини йўлга қўйишда катта ҳисса қўшган, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Жалол Иноятов яшаб ўтган. У киши умрининг 50 йилини ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифага бағишлаган. Шогирдлари орасида эса кўплаб фан докторлари, номзодлари, ёзувчилар, мухбирлар ва бошқа турли касб эгалари бор. Тарих фанлари доктори Абдуллажон Неъматов, тиббиёт фанлари доктори Носир Бобожонов, техника фанлари доктори Асқар Ортиқов, таниқли адабиётшунос, профессор Озод Шарофиддинов, иқтидорли журналист, фельетончи Усмон Юсупов ва бошқалар Жалол Иноятовни ўзларининг устозлари деб билишади.

У кишининг номини маҳалламизда ҳанузгача ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Шу боис юқоридаги кўчалардан бирига Ж. Иноятов номини қўйиш илтимоси билан район ва шаҳар мутасаддиларига бир неча бор мурожаат қилдик. Минг афсуски, ҳануз жавоб ололганимиз йўқ. Шу сабабдан сизларга ушбу мактубни йўллашни лозим топдик.

М. ЗОКИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Т. ЖАЪФАРОВА,
Ўзбекистон халқ артисти.
(Жами 105 имзо).

АНТИҚА БУЙРУҚ

Пахта машаққатини ҳар бир деҳқон яхши билади. Мен 15 йилдан буён далада ишлайман. Бу йил 4 гектар ерга ишлов бердим. Оилада эса олти жонмиз. Маошим эл қатори. Бироқ октябрь ойида хўжалигимизда антиқа воқеа содир бўлди. Болаларимга товон пули беришмади. Сабабини суриштирсам, пахта теримида уч кун қатнашмаган ишчилар оиласига товон пули тўланмасин, деган мазмунда шўро хўжалиги директорининг буйруғи чиққанлигини айтишди. Бу қандай гап? Қоларверса, касаллигим туфайли теримда қатнаша олмаганман.

Ҳурматли таҳририят! Шу масалага аниқлик киритиб бергайсиз. Наҳотки, директоримиз ҳақ бўлса?

М. РУСТАМОВ.

Оққўрғон райони.

Мустақиллик ва ташқи сиёсат

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Республикамиз Олий Кенгашининг сессияси бораётганда. Залда ўтирганлар Оролбўйидаги ишларнинг аҳволи, Орол денгизининг аянчли тақдири тўғрисидаги хабарларга диққат билан қулоқ солишарди. Бу ҳақда қанча гапириш мумкин, деган фикр хаёлингдан ўтади. Ҳар гал масала битта, яъни Орол тобора қуриб бораяпти, деган фикрга келиб тақаларди. Депутатлар бундан қониқиш ҳосил қилмай Орол ишларига доир ҳисоботни махсус равишда сессияга олиб чиқиш қарорига келдилар. Шундан сўнг Президент сўзлади. Ислом Каримов ташқи ишлар вазиримиз ҳозиргина Нью-Йоркдан қайтиб келди, у Бош котиб ҳузурига киришга муваффақ бўлиб, Орол тўғрисидаги масалани ўртага қўйди, деб айтди. Залдан мен истараси иссиқ аёлни — ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудовани излаб топдим ва ундан «Халқ сўзи» рўзномаси учун саволларга жавоб беришини илтимос қилдим. Мана, биз Гоголь кўчасидаги шинамгина уйда суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бу ерда Ташқи ишлар вазирлиги жойлашган.

— Шаҳло Насимовна, Сизнинг Оролга нисбатан шахсий муносабатингиз қандай?

— Менинг бу масаладаги муносабатим мустақил Ўзбекистон фуқаросининг муносабатидир. Бу муаммо мени ва миллионларча бошқа фуқароларимизни ташвишга солмоқда. Баъзан денгиз тақдири олдида ожизлигимизни кўриб, йиғлагинг келади. Аммо мен ташқи ишлар вазириман, шу боис денгизга ёрдам бериш имкониятларини изляпман. Иттифоқимизда, айтиш мумкинки, бу жумбоқни ечишнинг иложи бўлмаяпти. Бутун умид ўзимиздан ва жаҳон мамлакатларидан. Шу сабабдан Президентнинг ижозати билан мен делегация таркибида Нью-Йоркка бордим ва, сиз айтгандек, БМТ Бош котиби жаноб Перес де Куэльяр ҳузурига киришга муваффақ бўлдим.

— У сизни қабул қилдими? Унга нималар дедингиз?

— Очиқ чеҳра билан қабул қилди. Мен унга Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтганини ва, бинобарин, у БМТ билан боғланиши, БМТга қабул қилиниши кегаклигини айтдим. Аввало бизни Орол тақдири ташвишга солмоқда, бу хусусда жаҳон ҳамжамиятининг ёрдамига ва қўллаб-қувватлашига муҳтожмиз, дедим.

— Сиз вазиятга рўй-рост баҳо бердингизми? Фикрингизча, аҳвол ҳозир қандай?

— Мен рўй-рост гапирдим, холис маълумотларни келтирдим. 60-йилларнинг бошидан бошлаб денгиздаги сув сатҳи 15,6 метр пасайди, унинг ўртача чуқурлиги 25 метрни ташкил этади. 2 миллион гектардан ортиқ жойда денгиз туби очилиб қолди ва ана шу очиқ жойларда жуда катта миқдорда заҳарли тузлар тўпланди. Рақамлар ўз йўлига, Асосий хулоса шуки, салбий ижтимоий-экологик омиллар аҳоли саломатлигининг ёмонлашувига олиб келди, болалар ва оналар ўртасида ўлим кўпайиб бормоқда, инсон организмининг касалликларга бардошлик қобилияти пасайиб бормоқда. Денгизнинг қуриш жараёни эса давом этаётир. Экология тизимидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида келиб чиқаётган салбий оқибатлар ҳамда денгиз ўрнида саҳрои биёбонларнинг пайдо бўлиш жараёни тезлашмоқда.

— Орол муаммоси фақат бизгагина дахлдор эмас-ку, ахир. Бу муаммонинг бошқа иттифоқдош жумҳуриятларга ҳам алоқаси бўлса керак?

— Шу ҳақда айтмоқчиман. Бу масала музофотдаги бўлак мамлакатларни ҳам ташвишга солмоғи лозим. Уларнинг сув ресурслари чегарадош тоғлар ҳудудида ҳосил бўлади ва ўртада эса табиий тўсиқлар йўқ. Сув, ҳаво, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар оламининг ҳолати қўшни давлатлар аҳолисини ҳам ташвишга солиши табиийдир.

— СССР ва ЮНЕП ўтган йили «Орол денгизини сақлаб қолишга доир хатти-ҳаракатлар режасини тайёрлашга кўмаклашув» тўғрисидаги битимни имзолаганлар-ку, ахир?

— Ҳа, лойиҳа доирасида бошлаб юборилган диагностик тадқиқотлар жуда секин олға силжимоқда. Аммо аҳвол мушкуллашмоқда, кулфат зонасининг чегаралари эса кенгайиб бормоқда.

— Сизнинг янги таклифларингиз бўлдими?

— Тошкентда «Эко-Орол» халқаро илмий-маслаҳат марказини ташкил этишни БМТдан илтимос қилдик. Бизнинг фикримизча, бу марказ бошқа минтақаларни ҳам булғаши мумкин бўлган ҳудудларни тузишга, Орол экология тизими мувозанатининг бузилишига йўл қўймаслик ва, албатта, денгизни экологик жиҳатдан соғломлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади, бу ишга бўладиган сарф-харажатлар ҳажмини ҳам белгилаб беради. Орол ва Каспий денгизлари атрофига жойлашган барча давлатларнинг ҳукуматлари ҳамда қўшни давлатлар ҳамкорлик тўғрисида музофот ва кичик музофот битимларини тузишлари мумкин бўлур эди. Ахир, бу муаммо кенг кўламда кўндаланг бўлиб турибди — гап атроф муҳитини муҳофаза қилиш ва ресурслардан, савдо-сотиқ ишларидан, хорижий сармоялардан фойдаланиш ҳақида бормоқда.

— Аниқ ва амалий ёрдам хусусида гап бўлдими?

— Ҳа, албатта. Биз сувни чучук қиладиган ҳамда ичимли сувни шиша идишларга қуядиган самарали қурилмаларни сотиб олиш ва жорий этиш тўғрисида гаплашдик. Ишлатилган сув ресурсларидан, кимё тармоғидан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидан чиқадиган заҳарли чиқитлардан қайта фойдаланишда хизмат қилувчи асбоб-ускуналарни етказиб бериш ҳамда технологияларни жорий қилиш ҳақида ҳам гаплашиб олдик. Табиий- муҳит ва дарё ҳавзаларининг автоматлаштирилган монитор, тизимини барпо этиш, ерларни суғоришда сувни тежайдиган усулларни ва суғориш технологияларини механизациялаш ҳамда автоматлаш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқадиган қўшма корхоналарни қуриш ва бошқа жуда кўп масалалар ҳусусида фикрлашиб олинди. Яқин вақт ичида БМТ мутахассислар гуруҳини жумҳуриятимизга юборишларини илтимос қилдик.

— Ҳа, бу фикрлар кишини ишонтиради. Шаҳло Насимовна, айтингчи, шу йилнинг 1 сентябрига қадар мазкур муаммолар хусусида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири гапира олган бўлармиди? Бунинг устига халқаро юксак даражада...

— Эҳтимол, шундай юксак даражада мулоқот бўлиши мумкин эди. Бироқ Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганлиги омили, бир томондан, янги имкониятларни очиб беради, иккинчи томондан эса биз ана шу имкониятларни излашимизни холисона тақозо қилади. Эндиликда масала қуйидагича тахлитда турибди: мустақиллик — баённома эмас, балки у ижодий ёндашувни талаб этадиган, ўз мавқеини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган, амалий ишлар билан мустаҳкамланадиган жараёндир. БМТ Бош ассамблеясининг 46-сессиясида ўзбек делегацияси умумиттифоқ делегациясининг бир қисми сифатида мустақил жумҳурият номидан қатнашди. Аслини олганда бу мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг дастлабки қадамидир.

— БМТда яна қандай муаммолани ўртага қўйдингиз?

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби билан суҳбат чоғида республикадаги аҳвол, Олий Кенгашимиз қабул қилган қонун ва бошқа давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ўрнатмоқчи бўлаётганимиз ҳақида гапириб бердим. Илк маротаба БМТ доирасида сессиянинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мустақиллик ҳақидаги баёноти ҳамда унинг асослари тўғрисидаги қонун тарқатилди.

Шунингдек, Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларга доир мактуб ҳам топширилди.

— Демак, у ерда бизга эътибор бера бошлашибди-да.

— Биз дастлабки кучғайратларимизни тушуниш ҳамда кўмаклашишга интилиш борлигини ҳис этдик.

— Бошқа учрашувлар ҳам бўлдими?

— Мен Бош ассамблеянинг мазкур сессияси раиси, Саудия Арабистонининг БМТдаги дипломатик миссияси раҳбари жаноб Самир Шиҳобий ҳамда Баҳрейннинг БМТдаги доимий вакили жаноб Муҳаммад Абдал Ғаффор билан суҳбатда бўлдим. Биз ана шу мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтиришга аҳдлашдик, улар менинг таклифимни қўллаб-қувватлашди.

— Сиз АҚШда бўлдингиз, Оқ уй ташрифингизга қандай қаради?

— Вашингтонда бўлганимда мени Оқ уйда, давлат департаментида қабул қилишди. АҚШ Президентининг СССР ишлари бўйича махсус ёрдамчиси Эд Хьюит ҳамда АҚШ давлат котибининг Оврупо ишлари бўйича ўринбосари Релорд Жонсонга ўзбекистонликлар инсон ҳуқуқларини ҳурматлашга асосланган эркин демократик жамият қуриш ниятида эканликларини айтдим. Бизда рўй бераётган ўзгаришларга америкаликлар бефарқ қарашмаётгани маълум бўлди. Яна шуни тушуниб етдимки, улар бизнинг ҳақимизда жуда кам билишади, дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилмаганлиги сезилиб турибди. Ўз ҳамкасбларимга ўхшаб мен ҳам ана шу бўшлиқни тўлдиришга уриниб кўрдим, ҳарқалай, биз америкаликларда қизиқиш уйғотишга муваффақ бўлдик.

— АҚШ республикамизда ўз консулхонасини очадими?

— Эҳтимол, очар. Биз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва АҚШ конгресси ўртасида делегациялар айирбошлашга аҳдлашдик. Америкаликлар Ўзбекистонда қабул қилинган чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунга қизиқиш билан қарадилар. Хусусийлаштириш ва шахсий секторни ривожлантириш соҳасидаги бизнинг лойиҳаларимиз уларнинг эътиборини тортди. Яқин орада республикамизга савдо-иқтисодий делегация ёки сармоядорлар гуруҳи келса керак. БМТнинг мамлакатлараро корпорациялар бўйича маркази билан алоқа боғладик. Биз Тошкент — Нью-Йорк, Тошкент — Сиэтл орасида тўғридан-тўғри ҳаво йўллари очиш масаласини кўтардик. У томондан эса АҚШда бизнинг савдо ёки тижорат шўъбамизни очиш ҳақида таклиф киритилди.

— Ана шу учрашувларнинг барчасида СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили ва СССРнинг АҚШдаги элчисининг иштироклари қандай бўлди? Улар Сизнинг саъй-ҳаракатингизга қай тарзда муносабат билдиришди?

— Биринчидан: Ю. М. Воронцов ҳам, В. Г. Комплектов ҳам бизга ҳар соҳада ёрдам бериб туришди. Бундан буён ана шу муассасаларга доимий маслаҳатчи сифатида Ўзбекистондан биттадан вакил киритиш ҳақида шартлашиб олдик. Демак, илк маротаба дипломатик вакилликнинг юксак даражасига эга бўлдик. Бинобарин, Баҳрейнда ҳам биз билан консуллик алоқалари ўрнатиш ҳақида фикр юритишмоқда. Туркия, Покистон, Эрон, Афғонистон, Хитой билан ўзаро фойдали яхши қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантириш учун катта имкониятлар очилаяпти. Яқинда бизга Швеция, Нидерландия, Италия элчилари, Австралия ташқи ишлар ва савод вазири ташриф буюришди. Президент И. А. Каримовнинг Ҳиндистон сафаридан кейин Ўзбекистон билан ана шу мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кучли омил пайдо бўлди.

— Шаҳло Насимовна, Сиз Ўзбекистон тарихида ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган биринчи аёлсиз. Бу таклифни қабул қилишдан аввал кўп ўйладингизми? Умуман мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг ривожланишини қай даражада тасаввур этасиз?

— Зиммамга жуда катта масъулият юкланаётганини ҳис қилдим. Ҳаётий, сиёсий, маънавий тажрибам менга мана шу ишга киришиш учун розилик беришимга сабаб бўлди. Сиз аёллигимни таъкидлаб ўтдингиз. Биласизми, аёл киши ўз табиатига кўра анча-мунча дипломат ҳисобланади. Хуллас, бош омон бўлса, бу ёғини кўраверамиз. Энди Ташқи ишлар вазирлиги хусусида. Ҳозир ишимизнинг йўл-йўриғини ишлаб чиқаяпмиз, ниҳоясига етгач, муфассалроқ гапириш мумкин. Ҳозирча битта нарсани айта оламан. Мустақилликни тоблаш, ҳимоя қилиш, тўлиқ қўлга киритиш лозим. Асосий саъй-ҳаракатимиз ана шу мақсадга қаратилади. Яқинда собиқ Иттифоқ таркибида бўлган мустақил давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари Москвада тўпланадилар. Бир битимга келамиз, деб ўйлайман. Биз мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий бош йўлини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этишимиз лозим. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа хил алоқаларини дипломатик жиҳатдан таъминлаш лозим. Хуллас, Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан шуғулланади. Бироқ биз бу янги соҳада эндигина дастлабки қадамларни қўймоқдамиз. Эътироф этишларига эришамиз, албатта. Биз БМТга аъзо бўлиб киришга ҳақлимиз. Ҳозирча эса СССРнинг хориждаги дипломатик муассасаларида Ўз вакилларимиз учун ўрин ажратилишига интилмоқдамиз. Республикамиз элчилари ва консуллари юборилдиган кунлар узоқ эмас. Уларни тайёрлашимиз зарур, аммо бу иш жуда қийин.

Яқинда Ташқи ишлар вазирлиги кенгайди: ходимлари 35 нафар эди, уч баравар кўпайди. Мамлакатшунослик бўлимлари, ҳуқуқий, таҳлил этиш ва башорат қилиш, ташқи иқтисодий ҳамда республикаларо алоқалар бўлинмалари ташкил этилди. Консулликларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳам бор.

— Ҳозирги пайтда қандай ишлар билан машғулсиз?

— Эрон ва Покистон делегацияларини кутиб олдик. Бунга катта тайёргарлик кўрдик. Сиз, журналистлар ҳақида ҳам ўйлаяпмиз, вазирлик ҳузурида яхши қаламкашларни доимий рўйхат қилиб қўйишимиз лозим. Шунингдек, чет эллларда ўз мухбирларимиз қўналғаларини очиш, журналистларни хорижга кетаётган делегациялар таркибига киритишни тажриба қилиб кўриш ниятидамиз. Республика парламенти билан доимий алоқа боғланганмиз. Қисқаси, ишларимиз бошдан ошиб ётибди.

— Уйингиз, онлангиз?

— Умр йўлдошим — ҳуқуқшунос, ишимга тушуниб қарайди. Фарзандларим ўқишаяпти. Кўпчилик оиларда бўлгани каби мен улгурмаган ишларни улар бажаришади. Зорланишаётгани йўқ. Халқимиз, республикамиз равнақ топса, камолотга эришса, менга шунинг ўзи кифоя. Мана шу эзгу ният, орзу йўлида ҳар қанча меҳнат қилсанг арзийди.

Суҳбатдош: **М. САИДВАҚҚОСОВ.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ильич районидаги Муллажон Узоқов номли давлат хўжалиги — иқтисодий бақувват жамоалардан бири. Чўлқуварлар ҳар йили пахтадан мўл ҳосил, етиштириш қаторида чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Қишловни пухта ҳозирлик билан бошлаган жамоа аъзолари чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишаяпти.

СУРАТДА: бош зоотехник М. Пардаев бир гуруҳ сигир соғувчилар билан навбатдаги иш куни вазифаларини белгиламоқда.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

КАРМИШЕВАГА НИМА КЕРАК?

ЁКИ ТОЖИКИСТОНЛИК ЎЗБЕКЛАРНИНГ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Зиёлилар ўртасида ботбот Ўрта Осиёни ўрис аскарлари эмас, ўрис шарқшуносларинин босиб олди, деган гап юради.

Мен ҳам баъзан ҳайрон қоламан ва ўз-ўзимга савол бераман: Кармишева — рус шарқшуноси, айниқса, 20-йилларда ўзбек уруғларини бу қадар чуқур тадқиқ этиш нимага керак бўлиб қолдийкин? Уни ҳалол ва холис илм деб баҳоласак, ўзимизга ўзимиз хиёнат қилган бўлмаймизми? Ёки...

Вамбери ким эканлигини бугун кўпчилик яхши билади. Унинг бир неча шаҳарларда бўлиб, халқимиз тарихи ва табиатини чуқур ўрганиб чиқарган ҳулосалари, афсуски, ўзи мақсад қилганидек инглизларга эмас, ўрис зобитлари томонидан юртимизни тезроқ маҳв этилиши учун асос ва дастур бўлганлиги энди ҳеч кимга сир эмас...

Тожикистонга борганмисиз? У ерда асосан тўртта катта вилоят бор: Қўрғонтепа, Хўжанд, Кўлоб ва Тоғли Бадахшон мухтор вилояти. 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш ҳисоб-китобига кўра бу ерда 1 миллиону 200 мингдан сал кўпроқ ўзбек истиқомат қилади. Агар ўзбекларнинг хонадонига кириб, бир пиёла чой ичиб қолгудек бўлсангиз, салом-аликдан сўнг дарров уруғ суриштиришади. Бу хусусият айниқса кексалар табиатида мустаҳкам сақланган: «Болам, қайси уруғдансан?» Агар жавоб қайтаролмасанг, индашмайди. Сенга ич-ичидан ачинса ҳам бир оғиз сўз қотмайди. Ўзи мансуб уруғни эса миридан-сиригача айтиб беради. Сен кампирга қараб чиқарган аввалги хулосаларингдан ўзинг уялиб кетасан.

Шундай уруғлардан биттаси лақай элатидир. Лақайлар жуғрофий тизимда бошқа уруғларга нисбатан негадир жипсроқ жойлашган. Гарчи шундай бўлса-да, 30 ва 50-йиллардаги «кўч-кўч»лар уларнинг ҳам оромини бузганга ўхшайди. Чунки Вахш водийсини ўзлаштириш шиори остида тоғлиқ тожиклар билан бирга уларни ҳам тоғ ён бағирларидан текисликка кўчиришган.

Лақайлар — табиатан мард, эркаклари чавандоз, курашда даврани осонликча бермайдиган, бир сўзли элат. Аёллари қайвони — уй ичи ишларига уста. Рўзғорига ўзлари ясаб тутадиган ашё, буюмлари — ўрганишга арзирли катта санъат.

Лақайлар ҳозирда асосан Қўрғонтепа вилоятининг, Ёвон, Куйбишев, Вахш, Ильич, Қумсангир, Кўлоб вилоятининг Совет, Пархор, Ленинград, Восеъ ва Ҳисор водийсига қарашли Ленин районида истиқомат қиладилар. Улар қадим-қадимдан чорвачилик билан шуғулланишганга ўхшайди. Чунки ер билан ишлашга унчалик майллари йўқ.

Тожикистонда яна **қўнғирот, дўрман, қарлуқ, марқа, барлос, жуз, мусо, қовчин** каби катта элат ва уруғлар ҳам истиқомат қилишади. Қўнғирот, дўрман,, қовчин, қарлуқ ва жуз элатлари асосан Вахш водийсида яшашса, барлос, мусо, марқалар Ҳисор водийсини ватан тутишган.

Мен даҳшатга тушаман. Йўқ, қўрқувдан эмас, ҳайратдан, Кармишева ўзбек уруғларини шу қадар теран тадқиқ қилганки, бу иш ҳатто шу уруғга мансуб кишининг ҳам қўлидан келиши қийин.

Кармишевага нима керак бўлди? Бу нима? Ҳалол ва холис илмми ёки Вамберидай?..

Тожикистонда яшаётган ўзбекларнинг аксарияти, шеваушунослар тили билан айтганда, «ж» ловчилар саналади. Фақат барлос, қарлуқ ва мусо элатларини шеваушунослар «й»ловчилар сафига қўшишади.

У ерда ҳар бир уруғ ёки элатнинг тақрорланмас табиати ёки муштарак жиҳатлари бор: лақай, қўнғирот, қарлуқ, дўрман ва жузларда кўпроқ чорвадорларга хос урф, табиат бўлса; мусо, барлос ва марқаларда — деҳқончилик устивор кўринади. Ўз навбатида улар ҳам фарқланади: мусо ва барлослар рўзғорини мева етиштириб бутласа, марқалар сабзавотчилик билан шуғулланишади.

Тожикистонлик ўзбекларнинг яна бир қисмини Фарғона водийси ва Тошкентдан 20—30-йилларда сургун қилинганлар, ўша ерликлар тили билан айтганда, «муҳожир»лар ташкил қилади. Улар асосан Вахш ва Ҳисор водийсида умргузаронлик қилишади. Ернинг тилини топишади. Бизнингча, тожикистонлик туб ўзбеклар деҳқончилик сирларини ана шулардан ўрганишган. Чунки бу иккала водий ҳам 30-йиллардан кейин, асосан сургун қилинганлар меҳнати эвазига ўзлаштирилган. Лекин 20—30-йилларда кўчирилган ўзбекларни назарда тутмаганда, қолган уруғ ва элатлар кўп йиллардан бери шу ерларда яшаб келишган.

Қизиқ-да, ўзбекистонликлар лақай элати борлигини билишмайди. Ҳолбуки улар Тожикистон Республикасининг жанубий ҳудудида истиқомат қилишади. Уларнинг ҳали ёзилмаган жуда катта тарихи бор. Биргина мисол: кўпчилик танийдиган ва биз босмачи деб ҳақоратлаган Муҳаммад Иброҳимбек ана шу элатнинг фарзанди. Бу катта тарих бир кунмас бир кун албатта ёзилади. Унга бугун дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Айниқса, истеъдодли ёзувчи Набижон Боқий бу соҳада катта ишлар қилаяпти.

Дарвоқе, яқинда лақай ассоциацияси тузилди. «Москва» жамоа хўжалиги раиси Бўри Қораев унинг биринчи президенти этиб сайланди. Ассоциациянинг «Лақай овози» деб номланган рўзномаси ҳам бор. Унга йирик исломшунос олим Ҳабибулло Солиҳ бош муҳаррирлик қилмоқда. Дарҳақиқат, тожикистонлик ҳар бир уруғ ва элатнинг ҳаёти ўзига хос жуда катта тарихдир.

Агар эътибор берган бўлсангиз, республикамизнинг аксарият жойларида уруғ суриштирилмайди. Бундан албатта Сурхондарё, Қашқадарё, қисман Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятлари мустасно. Нега шундай? Бизнингча, бунинг қайсидир маънода Чор Россияси ва ундан кейинги Қизил империянинг сиёсати билан боғлиқлик жиҳатлари бор. Чунки Чор зобитларининг дастлабки хунрезликлари Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига нисбатан ҳозирги Сурхондарё, Қашқадарё ва жанубий Тожикистон (бу ерлар ўша пайтда Бухоро амирлигига қарашли бўлган) ҳудудида енгилроқ кечган. Эҳтимол, бу регионларда уруғчиликнинг сақланишини шулар билан изоҳласа бўлар. Бироқ жуда кўп зиёлилар бунга ҳалқ ва элатларнинг маданий даражаси билан боғлашади. Эҳтимол, Кармишевага бу чуқур тадқиқот шунинг учун керак бўлгандир, Вамберидай...

Бошқа бир гуруҳ зиёлилар уруғчилик тарихи тадқиқотини инкор қилишади: уруғчилик маҳаллийчиликни келтириб чиқаради. Маҳаллийчилик эса бирлигимизга раҳна солади, деб ўйлашади. Ва Чор Россияси томонидан истило қилинишимизни бевосита ана шу сабаб билан боғлашади.

Бошқа бир гуруҳ зиёлилар эса уруғчиликни тарих сифатида ўрганиш керак, лекин у бирлигимизга раҳна солмаса бўлди, деб ўйлашади. Бизнингча, иккинчи нуқтан назар маъқулроққа ўхшайди: уни тарихнинг бир бўлаги сифатида албатта ўрганиш керак. Чунки ҳақиқатни қанчалик яширсанг, у бир қунмас бир кун барибир оёғингдан чалади. Лекин Кармишевага нима керак бўлди ёки ҳақиқатан ҳам Вамберидай...

Аслида, бу ҳақда қисқагина ёзсак ҳам бўларди. Лекин тожикистонлик ўзбекларнинг биринчи қурултойига қатнашиб, улар ўтмишини тасаввур қилмасдан туриб, холис бир нарса ёзиш қийин эканлигига амин бўлдим. Зеро, республикадаги сиёсий вазият шуни тақозо этмоқда.

Қурултой ҳамма жойдаги фуқароларнинг ҳозирги ўй-фикри, дунёқараши, ҳаракатлари қандай бўлса, шундай ўтди. Барча гаплар очиқ-ойдин айтилди. Ҳеч нарса деярли сир тутилгани йўқ. Ўзбеклар айниқса Вахш водийсида вазият бесаранжомлиги сабаб кўчиб кетаётганлиги, баъзи жойларда қора гуруҳлар томонидан икки миллат орасига кескин раҳна солишга уринишлар бўлаётгани, республика парламентига кейинги сайловларда ўзбеклар сонини кўпайтириш, Тожикистон радио ва телекўрсатувларида ўзбек тилидаги эшиттиришларни кўпайтириш масалалари бўйича ҳам очиқ-ойдин фикрлашиб олинди.

Хабар қилганимиздек, қурултой вакиллар талабига кўра икки кун эмас, бир кун бўлди. Унда республикадаги барча сиёсий партия ва уюшмалардан вакиллар қатнашди. Ўзбекларнинг қарори битта: тожик халқи билан аввал қандай яшаган бўлса, шундай — Тожикистон Республикасининг келажаги ва тўла мустақиллиги учун курашиш, халқ дастурхонини фаровонлаштиришдир.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди: истеъдодли шоир Асқар Маҳкам бир йиғинда шундай деган эди: «Сурхондарё билан тоғимиз, дарёмиз битта. Сурхондарёдан талантли ижодкорлар ҳар йили қўзиқориндай етишиб чиқаётган бўлса-да, биздан ташқаридаги ўзбек ёзувчилар уюшмасида ҳам ўзбек шўъбаси очилди. Ўтган йили Тожикистон ўзбек маданияти маркази тузилган эди. Қурултойда мазкур маданият маркази Тожикистон ўзбек жамиятига айлантирилди. Ва жамиятнинг янги рўзномалари — «Ҳақ сўз», «Элчи», «Қадрият» таъсис этилиб, унинг бош муҳаррирлари тасдиқланди. Жамият раиси этиб Қурбон Сатторов сайланди.

— Энди ўзбеклар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган расмий ташқилотга эга бўлдик, — дейди жамият раиси Қ. Сатторов. — Бизнинг асосий вазифамиз мустақил Тожикистон республикасида ҳар қандай шакл ва шароитда ўзбеклар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир.

Қурултой сўнггида иштирокчилар томонидан билдирилган барча талаб ва таклифлар расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш ва тезроқ чора-тадбирлар қўлалш учун республика Вазирлар маҳкамасига топширишга қарор қилинди. Шунингдек, жамият қошида ёш хонанда Шавкат Бадалов раҳбарлигида «Феруз» ашула ва рақс ансамбли ҳам ташкил қилинди.

— Тожикистонда ўзбеклар яшагани каби Ўзбекистонда ҳам тожиклар истиқомат қиладилар, — дейди «Ҳақ сўз» рўзномасининг бош муҳаррири, шоир Шоди Саттор, — Тожикистон матбуоти, радио ва телекўрсатувлари деярли ҳар куни тожиклар ғуж яшайдиган — Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан хабар ва кўрсатувлар бериб боришади. Ўзбекистон-чи? Тўғри, «Халқ сўзи» ва Ўзбекистон радиоси Хўжандга мухбир қўйган, деб эшитамиз. Бу яхши. Лекин республика фақат Хўжанддан иборат эмас-ку, ахир?

Тожикистон халқи яқинда Раҳмон Набиевни республиканинг биринчи президенти этиб сайлади. Ўзбекларнинг деярли ҳаммаси унга овоз берди. Зора, энди Набиев уларни қўлласа...

Ноумид шайтон.

Исмат ХУДОЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Луқма

ЕМАГАН СОМСАГА ТЎЛОВ

Тақчиллик замони экан, харидор ёки буюртмачи сифатида охирги марта қачон суюганимни эслолмайман. Лекин яқинда Тошкентдаги автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи 2-сонли станциянинг буюртмалар хонасига кириб шундай севиндимки... Аввалига кўзларимга ишонмадим. Рўёмикин деган хаёлда ҳушимни жойига келтириш учун баданимни чимчилаб-чимчилаб олдим. Йўқ, кўрганим рост экан: энг камёб қисмлар рўйхатида нуқул «бор» деган белгилар турарди. Бошдан-оёқ бор, бор, бор...

— Ғилдирак борми? — ишонқирамай сўрадим ҳужжат расмийлаштирадиган йигитдан.

— Бор, — деди сирли жилмайиб.

— Учқун чиқаргич ҳам борми? — сўрадим шошилиб.

— У ҳам бор...

Қайси биридан бошлашни билмай гарангсиб қолдим. Чунки автомашинамнинг шалоғи чиққан, созлаш учун жуда кўп эҳтиёт қисмлар керак эди. Аммо бир лаҳзада тарвузим қўлтиқдан тушди. Маълум бўлишича, рўйхатдаги камёб қисмлар омборда бору, бироқ ўз «эга»ларини кутаётган экан.

— Лоақал учқун чиқаргич беринглар, — ноилож ёлворишга ўтдим.

— Ёлғиз ўзи берилмайди, ёнига бир-иккита ишни ҳам қўшиб ёзамиз, розимисиз?

— Нималарни қўшиб ёзасиз? (Ёзларинг қўшиб ёзиш ҳалиям бор экан-а?).

— Масалан, машинангизнинг двигатели ростланди, ғилдираклари тўғриланди, у ер-бу ерини бурадик, деб ёзамиз-да...

— Ахир, бу юмушларга ҳожат йўқ. Куни кеча фалон пул бериб шу ишларни бажартирган эдим...

— Рози бўлсангиз шу, йўқса йўлингиздан қолманг. Чунки бу бизга боғлиқ эмас, юқорининг кўрсатмаси, — у шундай дея кўрсаткич бармоғини шипга қаратди. Бу ишора билан у кимни — бошлиқними ёки аллоҳ таолоними — назарда тутгани менга қоронғу. Хуллас, шартга розн бўлишдан ўзга чора қолмади.

Наряд-буюртма расмийлаштирилди, унга биноан кассага 37 сўм 95 тийин тўлашим лозим эди. Тўладим, аммо кўнглим ғалати бўлиб кетди. Ростини айтсам, шу топда чўнтагини киссавур урган кишининг ҳолига тушдим. Негаки бу азаматлар ҳар бири 3 сўм турадиган 4 та учқун чиқаргични 38 сўмга (кассир аёл 5 тийин қайтимни бермади, ҳойнаҳой, ор билган бўлса керак) пуллашди. Кўпакундуз 26 сўм пулимни шилиб олишди. Учқун чиқаргичнинг нархи чайқовда ҳам бунча эмасдир-ов?!

Агар машмаша шу билан тугаб, ҳожатим чиққанда эди-ку, садқаи сар дея қўл силтаб кетган, пировардида ушбу сатрларни ҳам ёзиб ўтирмаган бўлардим. Автомашинанинг учқун чиқаргичини алмаштириб қўйиш катта ақлу заковат, кўп меҳнат талаб қиладиган иш эмас, нари борса бир пиёла чой ичгунча кетадиган вақтда битади. Аммо бу ерда ҳеч кимнинг сизга кўзи учиб тургани йўқ. Қайси устага учрашманг, «кутинг», дейди. Беш минутли ишни беш соат кутишга мажбур этишади. Кейин билсак, бу уларнинг энг синалган усули экан. Чунки кутавериб тоқати тоқ бўлган мижоз наряд бўйича эҳтиёт қисмни ўзи олади-ю жўнаб қолади. Бажарилмаган хизмат ҳақи эса устанинг ҳисобига ғиштдай қалашиб тушаверади. Қарабсизки, усталар қўл қовуштириб ўтираверишсада, кунлик нормаю режалар 110—130 фоиз бажарилаверади. Демак, маошу мукофотлар лак-лак. Шундай экан, мижозларга яхши хизмат кўрсатишга ким ҳам ошиқарди?

Бошқа жойни-ку билмадим, бироқ пойтахтдаги «Тошавтотеххизмат» бирлашмаси тасарруфидаги станцияларда бундайлар жуда оз. Хуллас, емаган сомсага пул тўловчилар топилса, сомсахонага бориб овора бўлишмасин, тўппа-тўғри Юнусободдаги 2-сон техника хизмати кўрсатиш станциясига келаверсинлар. Албатта, бу ерда руҳан эзиласиз, сиқиласиз, асабийлашасиз, бажарилмаган ишга ҳақ тўлайсиз, лекин машинангиз учун ўта зарур эҳтиёт қисмга эга бўласиз. Тақчиллик замонида шу ҳам катта гап!

Н. ШАКАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Боғдод районидаги Қўштегирмон қишлоғида бир оила бор. Бу оиланн хамкишлоқлари «қаҳрамонлар оиласи», дейишади. Сабаб шуки, оила бошлиғи Саййидазим ака ўзининг ҳалол меҳнати туфайли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, унинг турмуш ўртоғи Бозорхон ая эса ўн фарзандин тарбиялаб вояга етказганлиги учун «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган.

Саййидазим ака пенсия ёшида бўлишига қарамай тинчимайди. Айни вақтда «Пахтакор» жамоа хўжалигидаги агроучасткага бошчилик қилиб, чўл ерлардан мўл ҳосил олаяпти. Бозорхон ая ҳам турмуш ўртоғидан қолишмайди. Қачон қарасангиз, бир нимаанинг ташвишида юради. Неваларига қарайди, келинларига бош-қош бўлади.

СУРАТДА: Саййидазим ака Тўхтасинов ва Бозорхон ая фарзандлари даврасида.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

«ТИЛЛА» ОВИ

якунида 100 минг сўмлик тақинчоқлар қўлга олинди

БУ осон кечмади. Тўрт вакилдан иборат гуруҳ ўн кун фақат шу иш билан машғул бўлди. Ҳар бир ҳаракатнинг хомаки нусхалари ишлаб чиқилди. Барибир, ўйланган, эҳтимол тутилган ҳатти-ҳаракат бошқа, ҳаётда бошқача бўлиши мумкин эди ва ўша кичкинагина назарда тутилмаган вазият бутун операцияни барбод этиши ҳеч гап эмас... Оз қолди шундай бўлишига!

30 ноябрь куни пешинда «Тошкент—Вильнюс» йўналиши бўйича самолёт парвоз этади. «Тилла» ана шу самолётда учиши мўлжалланган. Бироқ қандай қилиб? Ахир ҳар бир йўловчи пўлат қушга етиб боргунича қанча назорату текширувлардан ўтади! Юз минг сўмлик тилла буюмларни бу тўсиқлардан олиб ўтиб кетиш осонми? Бунинг устига, ҳозир маҳсулот ва молларнинг четга ташиб кетилишига қарши курашадиган махсус назоратчи инспекция ишламоқда.

Албатта, қўлбола «бизнесмен» йўловчимиз буларнинг ҳаммасини ҳисобга олгани тайин: «Тилла» операциясининг раҳбарию иштирокчилари ҳам буни назардан қочиришлари аҳлга сиғмайди. Демак, тилла тугунча йўловчи ана шу назорат постларидан ўтиб бўлганидан кейингина унинг қўлига етказиб берилиши эҳтимолга яқин. Демак, уни фақат самолётга чиқиш арафасида қўлга олиш керак. Бу эса ишни янада мураккаблаштиради: ўша рейсга билетсиз ичкарига кириш учун аэропортдаги тегишли кишиларни огоҳлантириш зарур. Унда «ахборот» ўрмалаб кетиши ва бевосита тилла фуруш ёки унга ёрдам бериши керак бўлган одамларнинг қулоғига етиб бориши мумкин. «Ёрдамчи» эса аэропорт хизматчиси бўлиши ҳам эҳтимолга жуда яқин.

Шу мулоҳазаларга кўра, ҳеч ким огоҳлантирилмади, ҳеч кимдан рухсат сўралмади. Операцияни барбод этгандан кўра таваккал қилган маъқул!

...Ана, «йўловчи» аэропорт биносига кириб келди. Уни тезкор вакилларнинг ҳаммаси яхши танишади. Ўттиз беш ёшлардаги аёл. Янгийўллик. Ҳеч қаерда ишламайди. У... билетини рўйхатдан ўтказиш учун навбатда турганлар сафига келиб қўшилмади. Қайд қилиш вақти тугагунича ҳам бу ерга яқинлашмади. «Наҳотки учмаса?!». Йўқ. У навбатда туриб жон қойитмабди холос — аэропорт хизматчиси, рўйхатдан ўтказиш бўйича агент Сурен Хачатурян унинг билетини расмийлаштириб бергани кейин маълум бўлди. Унгача «йўловчи»ни кузатиш давом этди.

Ана, у махсус назорат зонасидан ҳам силлиққина ўтди. Йўловчилар тўпланадиган жойга кирди. Ҳеч ким ҳеч нима келтириб бергани йўқ. «Бир ҳовуч тилла тақинчоқ нима деган гап — қўлидаги кичкинагина сумкачага ҳам жой бўлиб кетаверади. Наҳотки махсус назорат постидагилар орасида унга «шерик» бўлса?». Ҳамма нарсани кутиш мумкин.

Ана, аэропорт учиш майдонига чиқадиган эшик очилди, йўловчилар иккинчи қаватдаги тўпланиш жойидан пастга туша бошладилар. Ортиқ кутиб бўлмайди!

Тезкор гуруҳ раҳбари, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Абдуқаҳҳор Алимов бўйруқ берди: «ушлаймиз!».

Назорат постида турган милиционерга ҳужжатларини кўрсатиб ўзларини таништиришди, нима гаплигини айтишди. У барибир киришга рухсат этмади:

— Мен бошлиғимга хабар беришим керак.

— Эсинг жойидами, унгача самолёт учиб кетади... Кейин сен жавоб берасан «иш»ни бузганинг учун!

Қоровул-милиционер ўйлагунча гуруҳ ичкарига кирди ва «йўловчи» аёлнинг рўпарасида пайдо бўлишди. Бироқ...

Аёлнинг сумкасида ҳам, чўнтагида ҳам ҳеч вақо йўқ эди!

«Наҳотки алданган бўлсак! Йўқ, бўлиши мумкин эмас: аёл қалтираяпти?».

Гуруҳ раҳбари Абдуқаҳҳор тезкор вакил Кудрат Саримсоқов билан йўловчилар орасида юриб аёлга «мол»ни келтириб бериши мумкин бўлган одамни нигоҳлари билан излашарди. Шу пайт пиллапоя олдидаги техниклар хонасидан чиқиб келган йигитнинг олазарак боқишлари эътиборни тортди. «Шумикан? Сабр қилиш керак. Хато устига хато қилиб бўлмайди!».

Унинг ёнига армани киши келди. Абдуқаҳҳор билан Қудрат ҳам сездирмай йўловчилар оралаб уларга яқинлашиб, зинадан пастга туша бошладилар. Армани ўзбек йигитга деди: «Твою пассажирку сняли с рейса». Йигит бу кутилмаган хабардан чўчигандек бўлиб сўради: «Как это сняли?» Абдуқаҳҳор тилла топгандек шошиб қолиб, буюрди: «Қудрат ака, ушланг уни!»

Иккаласи йигитнинг икки қўлтиғидан олишди. Қўлидаги рўзномага ўроғлиқ нарсани очишса, битта «Ўзбекистон» коньяги экан.

— Чиқар тиллани! — буюрди Абдуқаҳҳор.

— Эрининг олдида бераман, — деди йигит пайсалга солиб ўтирмай.

Пайсаллашнинг ўрни йўқ эди — тилла тугунча унинг чўнтагида экан...

Жиноий иш қўзғатилди. Тергов давом этяпти. Ҳозирча маълум нарсалар: «йўловчи» Мавжуда Абдуллаева, 1956 йилда туғилган, оилали, беш боланинг онаси, ишламайди, Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозида яшайди. Унинг «ёрдамчиси» Собиржон Юсупов, 1979 йилдан бери Тошкент аэропортида авиатехник бўлиб ишлайди, Мавжуданинг акасига божа. Тилла буюмлар жами 85 дона: узук, зирак, занжир ва бошқалар. 332 грамм, тахминан 100 минг сўмлик. Ҳар бири 4 минг сўмлик 7 та феонит кўзли никоҳ узуги бор, унинг биттаси Вильнюсда 25 минг сўм экан. Хомчўтга кўра, буюмлар камида 300 минг сўмга пулланиши керак эди. Булар Тошкент вилояти ва пойтахтдаги дўконлардан харид қилинган. Масалан, Ғалаба райони маркази Солдатскоедаги «Саодат» универмагининг (мудири Фердане Измайлова) ўзидан 34 минг сўмлик тақинчоқлар сотиб олинган.

— Бу кундалик одатдаги вазифаларимиздан бири, холос, — дейди иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг бошлиғи, милиция майори Мурод Турсунхўжаев. — Айниқса, кейинги ойларда савдодаги камёб молларни яшириб қўйиш, нархини ошириб сотиш кабиларга қарши жиддий иш олиб борилмоқда. Рост, мол ва маҳсулотлар аслида кам, лекин борларини ҳам энию бўйидан уриб қолиш, енг учида, орқа эшиклардан устама нарх билан пуллаш ҳоллари кўп. Масалан, 28-29 ноябрда — уч кунда давлат мулкини ўғирлаш бўйича 12 факт, 44 та майда ўғирлик, 47 та харидорларни алдаш ва ҳақидан уриб қолиш, 99 минг 982 сўмлик камёб мол ва маҳсулотларни яшириб қўйиш фактлари аниқланди. 78 та савдо қоидаларини бузиш ҳоллари қайд қилинди, ўнлаб чайқовчи қўлга туширилди, улардан 13.743 сўмлик буюмлар олинди.

Чиноз район матлубот жамиятига қарашли 25-дўконда (мудири Т. Абдурасулова) 4167 сўмлик шакар, томат, кўк чой, чит, эркаклар кўйлаги яшириб қўйилган. Ғалаба районидаги 9-дўконда (мудири Ф. Кенжаева) 157 қоп ун, 1 қоп шакар, 1 қоп гуруч, 372 килограмм мой, жами 5581 сўмлик маҳсулотлар «алоҳида омбор»да сақланаётган экан. Ғалаба районидаги яна ўнлаб дўконларда шундай аҳвол қайд қилинди.

Савдо ходимлари яширишмоқда, назоратчилар, текширувчилар фош этиқмоқда. Натижа қанақа? Бу — энг оғриқли савол. Чунки натижа йўқ даражада. Шунинг учун ҳам савдодаги жиноят ва жиноятчилар кун сайин болалаб кетмоқда. Сабаби — жазо йўқ, бори ҳам номигагина. Масалан, Тошкент вилоятида шу йилнинг бошидан бери 100 дан ортиқ чайқовчилик ва яшириб сотишлар аниқланган бўлса, атиги... уч факт бўйича жиноий иш қўзғатилди. Унинг ҳам нима билан тугагани номаълум.

Ғап — қонунда. Юқорида эслатилган жиноят турлари олдида Жиноят кодексимиз жуда ожиз. Чайқовчини тутганингда, у сотган молларидан кўрадиган фойда 100 сўмдан ошмаса, жиноий иш қўзғатиб бўлмайди, сотаётган молининг манбаи — сотиб олинган жойи аниқланмаса, яна жиноий иш қўзғатиб бўлмайди.

Қонуннинг мана шу томонларига жиддий таҳрирлар киритилиб жазо чоралари кучайтирилмас экан, бир ҳовуч одамлар халқ нонини туя қилаверади.

Ҳабибулла ОЛИМЖОН.

Кўнглингизга кўчиринг

ДАВЛАТ ДОНОЛАР ТАЪРИФИДА

Энг ночор демократия ҳам энг зўр диктатурадан афзалдир.

Р. БАРБОЗА.

* * *

Давлатнинг қадрияти унинг барча фуқаролари шахсий қадриятларидан таркиб топади.

МИЛЛ.

* * *

Миллат учун давлат тузуми қандайлигидан кўра бошқарув туси беқиёс муҳимдир.

КАНТ.

* * *

Ҳар қандай бошқарув усули шунга асосланадики, инсон ўзини озод ҳисобласину асоратда яшасин.

С. ЛЕШЧИНСКИЙ.

* * *

Бошқа синфлар раванқига тўсқинлик қилмайдиган ҳамма синфлар яхшидир.

Сэмюэл БАТЛЕР.

* * *

Демократия ҳар кимга ўз-ўзининг ситамкори бўлиш ҳуқуқини беради.

ЛОУЭЛЛ.

* * *

Фуқароларнинг ички низо-жанжаллари чоғида қонунлар ўз кучини йўқотади. Ва улар ўрнини инсонийлик эгаллаши амри маҳол.

Эдуард ГИББОН.

* * *

Инқилоб шундай даврки, бу пайтда камбағал номус-ориниг, бой мол-дунёсининг, айбсизлар эса ҳаётининг ташвишини қилади.

ЖУБЕР.

* * *

Инқилоб ғоялар софлигини нари борса икки ҳафтагина сақлаб тура олади, холос.

Жан КОКТО.

* * *

Маккорлар донолар ўрнида ҳисобланганда мамлакат бошига кўп шўр ишлар тушади.

Фрэнсис БЭКОН.

* * *

Агар жамият адолатсизликка мойил унсурларни керагича яратиб бермаганида, адолатсизлик ҳукм суролмаган бўларди.

Герберт СПЕНСЕР.

* * *

Қонун ўғрини жазоламайдиган мамлакатда ҳам, жамият ҳукумат фаолиятини чеклай олмайдиган мамлакатда ҳам давлат тузуми номаъқулдир.

АКТОН.

САМАРҚАНДДАН ХАБАРЛАР

КАМБАҒАЛГА... ТЕКИН ҒИШТ

Бозор иқтисодиётининг бош шарти равиш билиб, тадбир топишдир. Районда ана шу қоидалар амали тобора кучаймоқда. Яқинда йилига 15 миллион 40 минг дона пишиқ ғишт тайёрлаб берадиган завод иш бошлади. «Агропромспецмехмонтаж» трестининг Ургутдаги механизациялашган кўчма колоннаси умумий қиймати бир миллион 740 минг сўм бўлган бу корхонани жуда қисқа муддатда қуриб битказди.

Корхона тайёрланаётган ғиштнинг 40 фоизини аҳолига сотишни қатъий режа қилиб қўйди. Нархи ҳам инсоф билан белгиланди — 1000 донаси 70 сўм. Энг муҳими, уруш ва меҳнат ногиронларига, кам даромадли оилаларга талабларига қараб текин ғишт бериладиган бўлди.

— Бу шунчаки гап эмас, амалда бажариладиган иш, — дейди кўчма колонна бошлиғи Неъмат Ҳамдамов. — Ҳозирча кунига 35 — 40 минг ғишт чиқараяпмиз. Кейинчалик бу рақам ўртача 50 мингтага етказилади.

18 ХИЛ ЕГУЛИК БЕРАДИ

Шаҳар матлубот жамияти қошида ташкил топган қандолатчилик цехи ходимларининг ваъдалари ана шундай. Кичик корхона Эгамберди Маъқулов ташаббуси билан унинг шахсий маблағига қурилди. 45 минг сўмлик соф ҳаражатдан сўнг тош ва пишиқ ғиштдан ишланган икки қаватли корхона маҳсулот чиқара бошлади. Сифатли ва хуштаъм печенье, торт, кулча каби егуликлар харидорларга маъқул келди.

— Кунига 500 килограмм маҳсулот тайёрлаяпмиз, — дейди оилавий қандолатчилар жамоаси бошлиғи Жамол Аҳадов. — Егуликлар корхонанинг иккинчи қаватидаги дўконимиздан аҳолига пешма-пеш сотиларади. Айни пайтда кўплаб мактабларнинг ошхоналарини ҳам маҳсулот билан таъминлашни зиммамизга олаяпмиз.

Кичик корхона 4-5 турда маҳсулот бераяпти. Шаҳар матлубот жамияти масаллиқ таъминотини эрта-индин тўла йўлга қўяди. Шундан сўнг бу ерда 18 хил егулик тайёрланади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши бу саъй-ҳаракатларни бошқа туманларда ҳам кенг оммалаштириш ва қўллашни маъқул топди.

Холмуҳаммад НУР.

ЭЛ ҚЎЛЛАСА...

Навоий райони «Билим» жамияти тугатилди. Унинг ўрнига энди «Маърифат» халқ ижодий уюшмаси фаолият кўрсата бошлайди. Илгари 94 нафар нотиқ коммунистик партия қарорларини тарғиб қилишга сафарбар этилганди. Эндиликда улар сони 25 тага камайди. Янги ижодий уюшма омма ўртасида диний таълим хусусида ҳам суҳбатлар ўтказа бошлайди.

— Биз ҳеч қандай сиёсий партияга бўйсунмаймиз,—дейди ижодий уюшма раиси Камолиддин Юсупов. — Биз оммани қўллаб-қувватлашга таянамиз, маънавий талаблари асосида фаолият кўрсатамиз.

М. МАРДИЕВ.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШАРТНОМА

Андижон шаҳар иккинчи клиник касалхонасининг жорий ҳисоб дафтарчасига 70 минг сўмдан кўпроқ пул тушди. Ана шу пулга ватанимизда ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган диагностика ва даволаш ускуналари сотиб олинди, шифокорларнинг турмуш шароитлари ҳам анча яхшиланди. Ана шу маблағлар ҳисобидан касалхона ходимларининг маоши оширилди.

Шифокорларнинг вилоятдаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва хўжаликлар меҳнат жамоалари билан ҳамдўстлиги шундай натижа берди. Улар орасида тузилган шартномаларда ўзаро наф кўриш назарда тутилган. Шифокорлар кўчма бригада туздилар, унинг таркибига кирган клиника шифокорлари ва мутахассислари ўз оталиқларидаги корхоналарда одамларни тиббий кўрикдан ўтказдилар, хасталикнинг олдини олиш чораларини кўрдилар ва озодалик-маърифий ишлар олиб бордилар.

Натижада меҳнат жамоаларида хасталик кескин қисқарди, ишга вақтинча лаёқатсизликдан келадиган зарар камайди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Корхоналар ва ташкилотлар касалхона шифокорлари билан тузилган ўз шартномалари муддатини яна бир неча йил чўзишга қарор қилдилар.

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ҚУПАЯДИ

Қизил пойча, наъматак, итузум ва шу сингари ёввойи чакалакзорлар ҳамда ўтлар шу қадар тез камайиб кетмоқдаки, табиат унинг олдини олишга ожизлик қилмоқда. Жиззах вилоятининг Фориш районидаги Ҳамза номли давлат хўжалиги табиатга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У дори-дармон ва озиқ-овқат ўсимликларини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган ихтисослашган хўжаликка айлантирилди. Аввалги йилларда пахтазорлар билан яйловлар ўртасида жойлашган давлат хўжалиги меҳнаткашлари пахта ва озуқа экинлари етиштириш билан шуғулланишарди.

Дори-дармон ўсимликлари хорижий шериклар эътиборини жалб этиб, валюта ишлаб топиш имкониятини беришига жамоанинг ишончи комил. Улар ана шу пулга ўсимликлар сотиб олишлари мумкин. Шу ердаги ўрмон хўжалиги бошқармаси уруғлик муаммоси бўлмаслигига кафолат бермоқда. Тошкентлик биолог олимлар ҳам ёш хўжаликни қўллаб-қувватлашга ваъда беришди.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

ТОШКЕНТ аллақачон дунё миқёсида турли тадбирлар ўтказиладиган шаҳарга айланган. Кеча пойтахтдаги «Юбилей» спорт саройида ўсмирлар ўртасида (16—17 ёш) бокс бўйича Халқаро турнир бошланди... Бу турнирнинг шаҳримизда ўтаётгани бежиз эмас. Чунки бизнинг юртимиздан ҳам жаҳонга танилган чарм қўлқоп усталари етишиб чиққан. «Тошкент йўлбарси» деб ном олган Руфат Рихсиевич, Николай Анфимов ва Артур Григорянларни спорт ишқибозлари яхши билишади. Энди мустақил Ўзбекистон ҳам уларга муносиб ўринбосарлар тайёрлаши керак.

Собиқ Иттифоқ охирги кунларини кечирмоқда. Шундай экан, биз спортнинг ҳамма турлари бўйича юртимизнинг терма командаларини тайёрлашимиз лозим. Қўшни республикалар аллақачон бу ишга киришган. Эҳтимол, турнирнинг Ўзбекистонда ўтаётгани шу жиҳатдан биз учун фойдалидир. Чунки у ёшларимизни саралашга, кейинги йилда бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришга имкон беради.

Турнирда Туркия, Италия, Канада, Румния, Болгария, Финляндия, Швеция, Ўзбекистон ва Иттифоқ терма командалари иштирок этмоқдалар. Баҳс жиддий ва қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Бош ҳакамликни ҳамюртимиз, халқаро тоифадаги ҳакам Темур Ғуломов олиб бораяпти. Бу ишонч ҳам бежиз эмас, албатта.

Турнирни батартиб ва чиройли ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилган. Спортчиларга ҳамма зарур шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бу бизнинг спортга муносабатимиз ва маънавиятимизни ҳам белгилашини унутмайлик.

Ўйлаймизки, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар. Биз эса келажакда жаҳон бокс майдонига ўзбек «йўлбарс»лари кўплаб кириб келишига ишонамиз. Ўтаётган турнир ана шу умидларимизнинг қай даражада рўёбга чиқишидан башоратлар қилса, ажаб эмас.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР, ФИРМАЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АЛ ҚАНИМ» ФИРМАСИ

етакчи фирмаларда ишлаб чиқарилган, нархи Овруподаги ўртача нархдан пастроқ компьютерлар, ташкилий техника ва кенг истеъмол молларини таклиф этади:

1992 йилга халқ истеъмол товарларини етказиб бериш учун битимлар тузади.

Ҳақ эркин муомаладаги валюта билан тўланади.

Фирма, шунингдек, эркин муомаладаги валютани

СОТИБ ОЛАДИ

Битимларнинг жуда тез бажарилиши кафолатланади.

Шартномалар тузишга келган шерикларни фирма меҳмонхона билан таъминлайди ҳамда транспорт хизмати кўрсатади.

«Ал КаНиМ» сизга мунтазир!

Телефонлар: 92-06-93, 92-06-25.

Телекс: 116352. ALKAM SV.

МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Термиз» универсал товар ва хом ашё биржаси корхоналар, ташкилотларни брокерлик хизматидан фойдаланишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларга ортиб қолган брокерлик ўринларини

СОТАДИ

20 декабрда чет эллик ҳамкорлар иштирокида таништириш ва биринчи савдоларни

ЎТКАЗАДИ

Имкониятингизни бой бермасликка шошилинг!

Биз Сизни чегара яқинидаги Термизда кутамиз!

Сизни хурсанд қилиш қўлимиздан келади!

«Термиз» биржаси Ўзбекистон Республикаси «Тошкент» товар-фонд биржасининг укасидир.

Манзилгоҳимиз: Термиз шаҳри, Ал-Термизий кўчаси, 1.

Телефонлар: 4-69-07, 4-43-06, 4-65-39.

БИРЖА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ишбилармон кишилар диққатига!

«Наманган» товар ва хом ашё универсал биржаси Наманганда илк бор БРОКЕРЛАР, ДИЛЕРЛАР, МАКЛЕРЛАР, МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР тайёрлаш ўқувларини ташкил этади.

Имкониятни қўлдан берманг!

Машғулотларни гуруҳларнинг тўлишига қараб бошлаймиз. Ўқиш Сизга бор-йўғи 2600 сўмга тушади, холос. Бу эса Сиз эгаллайдиган ихтисосга таққослаганда қиёслаб бўлмайдиган даражада оздир.

Талабномалар учун манзилгоҳ: 716000, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9.

Телефонлар: 6-61-17, 6-64-29.

«НАМАНГАН» БИРЖАСИ МАЪМУРИЯТИ.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг «Ипак йўли» ўзбек миллий бизнес мактаби қошидаги брокерлар ва биржа ходимлари тайёрлов курслари «Ташқи иқтисодий фаолият» бўлими республиканинг «Тошкент» биржаси ҳамда хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик қиладиган «Таделс» Тошкент уюшмаси билан биргаликда бир ойлик ўқишга тингловчилар қабул қилади.

Машғулотларни республика олий ўқув юртларининг етакчи олимлари, биржа ва «Таделс» уюшмасининг бош мутахассислари олиб борадилар.

Курсни тугатганларга сертификат-гувоҳнома берилади.

Машғулотлар гуруҳлар тўлганидан кейин бошланади.

Ўқиш нархи — 2100 сўм. Талаба ва ўқувчилар учун — 500 сўм (ўқиш жойидан маълумотнома келтирадилар).

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳдан олишингиз мумкин: 700063, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 49, «Маркетинг ва ташқи иқтисодий реклама» кафедраси. Телефонлар: 45-42-60, 45.49.59, 45-36-66.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 13 декабрь, жумада чиқади.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 6507. 118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 24.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12